Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 246 (13.202).
20 ОКТЯБРЬ 1965 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

19 октябрь эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида олтинчи чақириқ республика Олий Советининг олтинчи сессияси очилди.

Депутатлар билан бирга меҳмонлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залини лиқ тўлдирадилар. Ҳукумат ложаларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, республика министрлари ўтиришибди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **О. Содиқов**, раис ўринбосарлари депутатлар **П. Ержонова, В. И. Коваль, Ф. Д. Уринбоева, С. Р. Расулов** раис столи ёнидан жой олишади.

Олий Совет кетиб қолган депутатлар ўрнига Короскон ва Маркет сайлов округларидан Ўзбекистон ССР Олий Советига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисида Мандат комиссиясининг раиси депутат **Н. М. Матчоновнинг** докладини тинглади. Олий Совет Ўзбекистон ССР Конституциясининг 83-моддасига асосан, Мандат комиссиясининг тақдимига мувофиқ, республика Олий Советининг депутатлари — 1965 йил 25 июлда 239-Короскон сайлов округидан сайланган **Александр Изосимович Шалигиннинг** ва 1965 йил 26 сентябрда 285-Маркет сайлов округидан сайланган **Саидмаҳмуд Нуъмонович Усмоновнинг** ваколатларини тўғри, деб топди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланади:

1. Саноатни бошқаришни яхшилаш тўғрисида. (Масала Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан киритилади).

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида. (Масала Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан киритилади).

Қабул қилинган иш тартибига мувофиқ, Олий Совет биринчи мажлисда кун тартибидаги биринчи масалага доир докладни тинглади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Р. Қурбонов** саноатни бошқаришни яхшилаш тўғрисида доклад қилди.

Биринчи мажлисда сессия кун тартибидаги биринчи масала юзасидан музокаралар бошланди. Музокараларда депутат **К. С. Поспелов** (23-Октябрь сайлов округи), депутат **Э. Т. Шайхов** (95-Ленин сайлов округи), депутат **М. Худойберганов** (389-Свердлов сайлов округи), депутат **О. Акрамов** (17-Марказий сайлов округи), Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси **Ҳ. А. Асомов**, депутат **П. Қаюмов** (175-Озод сайлов округи), депутат **Ҳ. Шокирова** (165-Совет сайлов округи), Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси **Е. А. Айтмуротов**, депутат **Н. Б. Бозоров** (341-Ромитан сайлов округи) қатнашдилар.

19 октябрь соат 15 да республика Олий Совети сессиясининг иккинчи мажлиси очилди.

Мажлисда кун тартибидаги биринчи масала юзасидан музокаралар давом эттирилди. Музокараларда депутат **Г. Жабборова** (401-Қарши шаҳар сайлов округи), депутат **А. И. Мирошников** (52-Урсатьевский сайлов округи), депутат **К. Раҳматова** (247-Ҳукумат сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Музокаралар тамом бўлгандан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Р. Қурбонов** якунловчи нутқ сўзлади.

Олий Совет «Саноатни бошқариш органлари системасини ўзгартириш ва бошқа баъзи бир давлат идора органларини қайта тузиш тўғрисида»ги Қонунини ва «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарларини, Ўзбекистон ССР министрларини ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Материал-техника таъминоти Бош бошқармаси бошлиғини тайинлаш тўғрисида»ги Қарорни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети республика Олий Советининг доимий комиссиялари составига ўзгартишлар киритди.

Олий Совет депутат Ҳ. Р. Мусаховонани (62-Завод сайлов округи) Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳалари тайёрловчи доимий комиссиясининг раиси қилиб сайлаб, уни Ўзбекистон ССР Олий Совети халқ маорифи доимий комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод қилди. Депутат А. И. Бродова (14-Сельмаш сайлов округи) Ўзбекистон ССР Олий Совети халқ маорифи доимий комиссиясининг аъзоси қилиб сайланди. Депутат Р. А. Саркисова (418-Кўкбулоқ сайлов округи) Ўзбекистон ССР Олий Совети қурилиш доимий комиссиясининг аъзоси қилиб сайланди. Депутат А. Д. Лебедков (60-Янгишаҳар сайлов округи) Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат доимий комиссиясининг аъзоси қилиб сайланди.

Депутат Г. С. Собиров Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри қилиб тайинланганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети қурилиш доимий комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Депутат П. В. Кайманов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Материал-техника таъминоти Бош бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинланганлиги ва республика ҳукумати составига киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат доимий комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақида республика Олий Совети Президиумининг секретари депутат **Р. Сахибоев** доклад қилди.

Делутатлар Олий Советнинг бешинчи ва олтинчи сессиялари ўртасидаги даврда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабул қилган Фармонларни бир овоздан тасдиқладилар.

Олий Совет «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг текстига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССР олтинчи чақириқ Олий Советининг олтинчи сессияси шу билан ўз ишини тамомлади.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Хоразм областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш планини 19 октябрда — энг қисқа муддатда — ўтган йилдагига нисбатан 35 кун илгари бажарди.

Тайёрлов пунктларига 290 минг тонна ёки 1964 йилнинг шу муддатидагига нисбатан 178 минг тонна кўп пахта етказиб берилди. Тайёрланган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Давлатга топширилган пахтанинг 54,3 минг тоннаси машиналарда терилди.

Бу катта муваффақият — КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга оширишда йўлида олиб борилган курашнинг натижасидир. Колхозларга кўрсатилган ёрдам ва пахтакорлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари қилган фидокорона меҳнат, пахта етиштиришнинг прогрессив усуллари кенг қўлланилганлиги, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари олиб борган кенг миқёсдаги ташкилотчилик ва сиёсий ишлар областнинг барча хўжаликларида пахтадан мўл ҳосил етиштириш имконини берди. Областда ҳар гектар ердан ҳозирнинг ўзидаёқ ўрта ҳисобда 29 центнердан пахта териб олинди. 35 колхоз гектаридан 30 центнер ва ундан кўпроқ, Янгиариқ районидаги Киров номли, Ҳазорасп районидаги Нариманов номли, Шовот районидаги Киров номли, Хива районидаги Свердлов номли колхозлар 35-37 центнердан пахта териб олдилар.

Янгиариқ районининг меҳнаткашлари гектаридан 31 центнердан пахта олиб ва областда пахта тайёрлаш планини биринчи бўлиб бажариб, ажойиб муваффақиятга эришдилар. Улар ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун курашни давом эттирмоқдалар.

Шу райондаги Аваз Утар номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Юсупов бошлиқ бригадаси рекорд ҳосил етиштирди. Бригадада 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 52 центнердан пахта териб олинди.

Шовот, Ҳазорасп, Хива районлари пахта тайёрлаш планини муваффақиятли адо этдилар. Урганч ва Гурлан районлари планни бажариш арафасида турибдилар.

Машина терими юзасидан белгиланган топшириқни бажарган Шовот районининг механизаторлари пахта тайёрлаш планининг муддатидан илгари бажарилишига катта ҳисса қўшдилар. Ҳазорасп районидаги «Коммуна» колхозининг механизаторлари ҳосилнинг 60 процентини машиналарда териб бердилар. Бу, колхозда пахта тайёрлаш планини 20 иш кунида бажариш имконини берди.

Шовот районидаги Чкалов номли колхознинг Зариф Раматов бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси аъзолари механизатор коммунистик муносабатда бўлиш намунасини кўрсатдилар. Улар пахта тайёрлаш планини 10 иш кунида бажардилар, 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозирнинг ўзидаёқ 45 центнердан «оқ олтин» териб олдилар.

Шаҳарлар, район марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва мактабларнинг ўқувчилари ҳосил йиғим-теримида пахтакорларга катта ёрдам кўрсатдилар.

Область пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 48 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриш мақсадида ва КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб ҳамда ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга қўшимча равишда яна 30 минг тонна пахта сотишга ва ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини 32 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳозирги вақтда ўзларининг бутун куч-ғайратларини етиштирилган барча ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга қаратмоқдалар, суғориш шохобчаларини тайёрлаш ишларини олиб бормоқдалар, чорва моллари нинг қишдан тўқ чиқиши ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Шунингдек, область давлатга жун, тухум, қоракўл тери, пилла, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узум сотиш планларини ҳам муддатидан илгари бажарди.

Чорва моллар учун етарли миқдорда озуқа жамғарилди, силос бостирилди.

Гўшт, сут, шоли тайёрлаш йиллик планлари ҳам муддатидан илгари адо этилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг VI сессиясида. Суратда: (чапдан ўнгга) Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари: Қўқон шаҳридаги пайпоқ-тўқув комбинатининг бригада бошлиғи М. Тургунова, Самарқанд область Пастдарғом районидаги «Комсомол» колхозининг бригада бошлиғи Г. Хушвақтова, Чуст районидаги Энгельс номли колхозининг зоотехниги Х. Қурбонов, Сирдарё область Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи Т. Аҳмедов ўртоқлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Л. Глауберзон фотоси.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонуни

САНОАТНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БОШҚА БАЪЗИ БИР ДАВЛАТ ИДОРА ОРГАНЛАРИНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Саноатни бошқаришни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССРнинг қуйидаги иттифоқ-республика министрликлари тузилсин:

Енгил саноат министрлиги;

Пахта тозалаш саноати министрлиги;

Озиқ-овқат саноати министрлиги;

Гўшт ва сут саноати министрлиги;

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги;

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги.

2-модда. Ўзбекистон ССР Геология давлат ишлаб чиқариш комитети Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика Геология министрлигига айлантирилсин.

3-модда. Республика Маҳаллий саноат министрлиги тузилсин.

4-модда. Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг иттифоқ-республика Давлат план комитети (Ўзбекистон ССР Госпланига ҳамда Ўзбекистон ССР Қурилиш ва архитектура ишлари давлат комитети Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қурилиш ишлари иттифоқ-республика Давлат комитети (Ўзбекистон ССР Госстройи)га айлантирилсин.

5-модда. Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги иттифоқ-республика министрлиги қилиб қайта тузилсин.

6-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессионал-техника таълими давлат комитети Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессионал-техника таълими иттифоқ-республика давлат комитетига айлантирилсин.

7-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қишлоқ хўжалик техникаси, запас қисмлар, минерал ўғитлар ва бошқа модий техника воситаларини сотиш, колхозлар ва совхозларда машиналарни ремонт қилишни ва улардан фойдаланишни ташкил этиш билан шуғулланувчи Ўзбекистон бирлашмаси («Ўзсельхозтехника») Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ўзбекистон Иттифоқ-республика бирлашмаси — «Ўзсельхозтехника»га айлантирилсин.

8-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг материал-техника таъминоти Бош бошқармаси тузилсин.

9-модда. СССР Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитети қайта тузилиб, СССР Министрлар Советининг Фан ва техника бўйича умумиттифоқ давлат комитетига айлантирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитети тугатилсин.

10-модда. Саноатни бошқаришни ташкил қилишда ушбу Қонунда назарда тутилган ўзгартишлар муносабати билан қуйидагилар тугатилсин:

а) Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши;

б) Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ихтисослаштирилган совхозлар, консерва ва виночилик саноати давлат ишлаб чиқариш комитети.

11-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ушбу Қонундан келиб чиқувчи зарур ташкилий тадбирларни амалга ошириш, шунингдек саноатни бошқаришни яхшилаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш вақтида депутатлар билдирган мулоҳазалар ва таклифларни қараб чиқиш вазифаси топширилсин.

12-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига ушбу Қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг ўз кучини йўқотган қонун актлари рўйхатини тасдиқлаш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1965 йил 19 октябрь. Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИНГ ТЕКСТИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

«Саноатни бошқариш органлари системасини ўзгартириш ва бошқа баъзи бир давлат идора органларини қайта тузиш тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография, Матбуот, Радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетларининг раислари тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида» 1965 йил 19 октябрда Ўзбекистон ССР Қонунлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг текстига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон ССР Конституцияси 19-моддасининг «ж» бандидан «иқтисодий-маъмурий районларни тузиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон ССР Конституцияси 46-моддасининг «а» ва «е» бандлари қуйидаги тарзда баён қилинсин:

«а) Ўзбекистон ССР Министрликларининг ҳамда ўз қарамоғидаги бошқа муассасаларнинг ишларини бирлаштиради ва йўлга солиб туради, умумиттифоқ Министрликлари вакилларининг ишларини бирлаштиради ва текширади;

е) зарур бўлган тақдирда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида хўжалик ва маданий қурилиш ишлари юзасидан махсус Комитетлар ва Бош бошқармалар тузади».

3. Ўзбекистон ССР Конституцияси 47-моддасининг биринчи қисмидан «Ўзбекистон ССР иқтисодий-маъмурий районлари Халқ хўжалиги кенгашларининг қарор ва фармойишларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 48-моддаси қуйидагича баён қилинсин:

«48-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қуйидаги составда тузилади:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосарлари;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосарлари.

Ўзбекистон ССР Министрлари:

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат план комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қурилиш ишлари давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълими давлат комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон бирлашмаси — «Ўзсельхозтехника»нинг Раиси;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Материал-техника таъминоти Бош бошқармасининг бошлиғи;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг Бошлиғи;

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси лавозими бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киради».

5. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 50-моддаси қуйидаги тарзда баён қилинсин:

«50-модда. Ўзбекистон ССР нинг қуйидаги Министрликлари иттифоқ-республика Министрликларидир:

Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги;

Геология министрлиги;

Соғлиқни сақлаш министрлиги;

Ташқи ишлар министрлиги;

Маданият министрлиги;

Енгил саноат министрлиги;

Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги;

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги;

Гўшт ва сут саноати министрлиги;

Мудофаа министрлиги;

Озиқ-овқат саноати министрлиги;

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги;

Алоқа министрлиги;

Қишлоқ хўжалиги министрлиги;

Савдо министрлиги;

Молия министрлиги;

Пахта тозалаш саноати министрлиги;

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги».

6. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 51-моддаси қуйидаги тарзда баён қилинсин:

«51-модда. Ўзбекистон ССРнинг қуйидаги Министрликлари республика Министрликларидир:

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги;

Коммунал хўжалик министрлиги;

Маҳаллий саноат министрлиги;

Жамоат тартибини сақлаш министрлиги;

Маориф министрлиги;

Социал таъминот министрлиги;

Қурилиш министрлиги;

Ғалла маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрлиги».

7. 55-а-модда текстдан чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1965 йил 19 октябрь. Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИНИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАРИНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ МАТЕРИАЛ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Акром Рустамович **Ҳўжаев** Ўзбекистон ССР министри вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари қилиб тайинлансин;

Ўртоқ Саидкарим **Знёдуллаев** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат план Комитети (ЎзССР Госплани)нинг Раиси қилиб тайинлансин;

Ўртоқ Ҳабибулла Тўлаганович **Тўлаганов** Ўзбекистон ССР Геология министри қилиб тайинлансин;

Ўртоқ Фозил **Қўқонбоев** Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри қилиб тайинлансин;

Ўртоқ Абдужаббор **Абдураҳмонов** Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министри қилиб тайинлансин;

Ўртоқ Гоэн Собирович **Собиров** Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри қилиб тайинлансин;

Ўртоқ Пўлдош **Мамажонов** Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министри қилиб тайинлансин;

Ўртоқ Аъзам **Ҳўжаев** Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министри қилиб тайинлансин;

Ўртоқ Абдусаттор Каримович **Каримов** Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министри қилиб тайинлансин;

Ўртоқ Фахмуддин **Ҳўжаев** Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министри қилиб тайинлансин;

Ўртоқ Пётр Васильевич **Каймаков** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети материал-техника таъминоти Бош бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1965 йил 19 октябрь.
Тошкент шаҳри.

ИККИНЧИ МАЖБУРИЯТ

Сирдарё область, Жиззах районидаги «Москва» колхозининг пахтакорлари давлатга 6.550 тонна «оқ олтин» ҳадя қилиб, пахта тайёрлаш йиллик планини 7 октябрдаёқ бажарган, давлатга қўшимча равишда 1500 тонна пахта топширишга аҳд қилган эдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Колхоз пахтакорлари она-Ватанга яна камида 1000 тонна «оқ олтин» топшириш ва ана шу иккинчи мажбуриятни ҳам муддатидан илгари бажаришга ваъда қилдилар.

О Л М А О Т Д И

(ХОРАЗМЛИК ҚИЗЛАР ҚУШИҒИ)

Гафур ҒУЛОМ

Урим-ўрим сочларим Ому тўлқини,
Кўзим қорачўғида севгим жўшқини.
Рулдаги барно йигит, бу томонга боқ,
Юрагимдан ўт олиб, чароғингни ёқ.

□ □

Хоразмлик қизларнинг жамоли сулув,
Машинада теради, камоли сулув,

Таманноси тош ёрган ҳей Жуманиёз,
Дилимиздан чўғ олиб, старторни бос.

□ □

Далада пахтамиздан тоғ каби хирмон,
Ҳеч бир кўнгил бўларми, бешшқ армон.

Қундуз қошли кеккайма ўғлон Матназар,
Басма-басчи қизларга ташлаб ўт назар.

□ □

Мамашариф, севишган қизинг шу ерда,
Эсинг оғиб айланган изинг шу ерда.

Чала терган эгатдан яна қайтиб ўт,
Келар ҳафта тўйингмиш, бизни айтиб ўт.

□ □

Планимиз юз бўлди, юзимиз равшан,
Уғил-қиз чиройдан юртимиз гулшан.
Олма отди ўйнаймиз тарафма-тараф,
Бизнинг азиз Ватанда севишмак шараф.

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида; биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи стун — мавсум бошидан; тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи стун — мавсум бошидан)

ТОШКЕНТ	0,18	104,79	0,31	108,54
Хоразм	3,54	99,20	2,75	72,42
Сурхондарё	1,39	93,53	0,76	92,29
Қашқадарё	0,35	93,10	0,12	32,01
Самарқанд	0,48	92,65	0,53	68,75
Фарғона	0,24	89,82	0,18	86,28
Бухоро	0,90	87,86	0,05	27,39
Қорақалпоғистон АССР	2,51	85,04	2,37	62,61
Андижон	0,47	84,23	0,42	72,44
Сирдарё	0,31	79,35	0,29	100,03
Ўзбекистон ССР бўйича:	0,88	89,69	0,67	79,98

Республикада 18 октябрь куни 31.479 тонна пахта тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

САНОАТНИ БОШҚАРИШНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Р. ҚУРБОНОВ доклади

Депутат ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг VI сессияси саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш масаласини қараб чиқдилар. КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Советининг қарорлари партиямизнинг, давлатимизнинг ҳаётида, бутун совет халқининг ҳаётида, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун курашда жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу қарорлар ленинча бош йўл - изчиллик ва қатъият билан амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Бу қарорлар экономикага раҳбарлик қилишда волюнтаризм ва субъективизмни бартараф қилишга қаратилган бўлиб, коммунистик қурилиш буюк ишини ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунлари талабларини эътиборга олиб, ғоят илмий реалистик асосда олиб бориш учун шарт-шароит вужудга келтиради.

Ўртоқ А. Н. Косыгин ва ўртоқ К. Т. Мазуровнинг докладларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида ва бошқа ўртоқларнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида ҳамда СССР Олий Советининг сессиясида сўзлаган нутқларида планлаштиришнинг ва саноатни бошқаришнинг ҳозир амалда бўлган системасидаги камчиликлар очиб ташланди ва халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг ленинча принципларини ривожлантиришда олға қараб қўйилган янги қадам бўладиган, КПСС Марказий Комитетининг шундан олдинги — октябрь, ноябрь ва март Пленумлари партия ва бутун мамлакат ҳаётига киритган янгиликларнинг мантиқий давоми ва ривожи бўладиган тадбирларни кўриш зарур эканлиги жуда пухта асослаб берилди.

Пленумнинг КПСС XXIII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини совет халқи зўр мамнуният билан кутиб олди. Партиянинг съезди катта тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлиб, совет жамияти ҳаётида, коммунизм қуриш учун курашда янги даврни бошлаб беради.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ва СССР Олий Советининг сессиясида мамлакатимиз халқ хўжалигининг ривожланиши тўғрисида ажойиб рақамлар келтирилди. Бу рақамлар барча совет кишиларини қувонтиради. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партия Программасида қўйилган вазифаларни амалга ошира бориб, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда муайян муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Мамлакатимизнинг экономикасида саноат етакчи ўринни эгаллайди. Ялпи ижтимоий маҳсулотнинг қарийб 60 проценти саноат ҳиссасига тўғри келади. Республика Госпланининг дастлабки ҳисобларига қараганда, етти йиллик контроль рақамларининг саноат маҳсулоти умумий ҳажми бўйича топшириқлари оширилиб бажарилади.

1965 йилда саноатнинг ялпи маҳсулоти 1958 йилдагига нисбатан қарийб 1,8 баравар ортади.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш анча ортади.

Республика саноатининг тараққиёти ва унинг энг янги машина-ускуналар билан қуроллантирилиши тез суръатлар билан бормоқда. Етти йиллик мобайнида саноатга шундан олдинги етти йиллигидагига нисбатан қарийб 3 баравар кўп капитал маблағ сарфланишини айтиб ўтиш кифоядир. Бу эса, саноатнинг асосий ишлаб чиқариш фондларини анча янгилаб олиш имконини берди. Бу фондлар 1965 йилнинг охирига келиб 1958 йилдагига нисбатан 2,5 баравар кўпаяди. Шу йиллар ичида 142 та янги саноат корхонаси қурилди. Ишлаб турган корхоналарнинг кўпи реконструкция қилинди ва замонавий машина-ускуналар билан таъминланди. Республикада газ саноати, замонавий бинокорлик индустрияси тамомила янгидан барпо этилди.

Етти йиллик даврида саноат ишлаб чиқаришининг структураси тамомила ўзгарди. Химия саноати, рангли металлургия, машинасозлик, бинокорлик материаллари саноатининг ялпи маҳсулотнинг умумий ҳажмидаги салмоғи ошди.

Республиканинг қишлоқ хўжалигини ва унинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. Кейинги 6 йил ичида шундан олдинги олти йилдагига нисбатан пахта етиштириш билига ўртача ҳисобда 504 минг тонна ёки қарийб 20 процент ошиб борди. Умуман етти йиллик мобайнида республикамиз ижтимоий фондга қарийб 23,5 миллион тонна пахта беради. Бу муваффақиятлар сув хўжалиги қурилиши соҳасида амалга оширилган катта ишларнинг, қишлоқ хўжалигини, жумладан пахтачиликни қудратли замонавий техника билан таъминлашнинг натижасидир. Бу эса, пахтачиликни комплекс механизациялашни амалга оширишни ва прогрессив агротехникани жорий қилишни, сув хўжалиги қурилиши соҳасида катта ишларни бажаришни таъминлайди. Ҳозирги вақтда кучли тракторлар, мукаммал сеялкалар, культиваторларгина эмас, балки икки ва тўрт қаторли пахта териш машиналари, тўкилган пахтани териб олувчи механизмлар ва бошқа кўп машиналар пахтакорларга хизмат қилмоқда.

Бу йил сув таъминлиги натижасида вужудга келган қийин шароитларга қарамай, колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассисларнинг, Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати туфайли, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг, мамлакатимиздаги қардош халқларнинг жуда катта ёрдами туфайли республикада мўл пахта ҳосили етиштирилди. Бу ҳосил Ватанга камида 3 миллион 650 минг тонна юқори сифатли пахта топшириш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайди.

Колхоз ва совхоз далаларида пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрнинг 48 йиллигигача бажариш учун бошланган мусобақа кенг авж олиб кетди. Республика колхоз ва совхозлари давлатга шу кунгача 3230 минг тонна пахта сотиб, планни 89,7 процент бажардилар. Тошкент областининг колхоз ва совхозлари пахта сотиш планини мисли кўрилмаган қисқа вақт ичида — 14 октябргача шараф билан бажардилар ва ҳозирги вақтда бутун ҳосилни тезликда йиғиб-териб олиш учун қураш олиб бормоқдалар. Хоразм области планий бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Республикадаги кўп районлар, неча юзлаб колхоз ва совхозлар планни бажариб бўлдилар ва эндиликда давлатга пландан ташқари пахта сотмоқдалар. Бу — Ўзбекистон пахтакорларининг партия ва ҳукуматнинг социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги гамхўрлигига жавобидир.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари бу йил давлатга 180 минг центнердан кўп пилла топшириб, планни 109 процент бажардилар. Қорақўл тери тайёрлаш планни 108 процент бажарилди. Сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум ва бошқа кўпгина маҳсулотлар тайёрлаш ўтган йилдагидан яхшироқ бормоқда.

Бутун мамлакатда бўлганидек, республикамизда ҳам халқнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Етти йиллик мобайнида республикада 12 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилди. Бунинг маъноси шуки, ана шу йиллар ичида аҳолининг тахминан тўртдан бир қисми янги уйларга кўчиб чиқди ва ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олди. Фан, маориф ва маданиятни ривожлантириш соҳасида кўп иш қилинди. Меҳнаткашларнинг соғлигини сақлаш ва маишатини яхшилаш соҳасида катта-катта тадбирлар амалга оширилди.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришда эришган муваффақиятларимиз шак-шубҳасиздир. Аммо, мавжуд имкониятларимиздан тўла-тўкис фойдаланилмаётир. Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш суръатлари асосий ишлаб чиқариш фондларини ўстириш суръатларидан орқада қолмоқда. Миллий даромад ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир сўми ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш кейинги йилларда бирмунча камайиб кетди.

Етти йиллик планда республика индустриясини ривожлантиришга доир бир қанча энг муҳим топшириқлар бажарилмай қолмоқда. Бу гап, аввало, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатига, шунингдек бинокорлик материаллари саноатига тааллуқлидир. Чуноончи халқ хўжалиги кенгашининг айби билан Хоразм областида пахтани қайта ишлайдиган қўшимча корхоналар қурилмади, «Средазирсовхозстрой» (ўртоқ Саркисов) Сирдарё областида янги совхозлар қургани ҳолда, пахта тозалаш заводлари қурилишига эътибор бермади. Бу нинг натижасида хом пахтанинг узоқ жойларга ташилиши қимматга тушмоқда.

Янгидан ишга туширилган корхоналарнинг қуввати суст ўзлаштирилмоқда. Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи лойиҳада белгиланган қувватидан йилига 25 минг тонна селитрани кам тайёрлаб берди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида экстракцион бензин ишлаб чиқариш қувватидан 22 процент, Ташкентказель заводида алоқа кабели ишлаб чиқарувчи қувватдан 56 процент фойдаланилмоқда. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Капитал қурилишни планлаштириш ва лойиҳалаштириш ишида жиддий нуқсонлар бор. Маблағлар жуда кўп объектларга тарқатиб юборилмоқда. Бу эса, янги ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой ва маданий-маиший бинолариии ишга тушириш муддатларини орқага суриб юборади. Қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган объектларда 15 миллион сўмга яқин маблағ ҳаракатсиз ётиб қолди ва ўрнатилмаган машина-ускуналарнинг нормадан ташқари запасларида 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ бекор ётибди. Лойиҳалаштириш ишида кўпинча жиддий хато ва нуқсонларга йўл қўйилади. Бу эса сметаларнинг қайтадан кўриб чиқилишига ва қурилишнинг қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда. Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи сметада кўрсатилганидан 8,8 миллион сўм, Самарқанддаги суперфосфат заводи қурилиши қиймати 36 процент ошиб кетди.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини доимо ошириб бориш саноатни ва бутун халқ хўжалигини ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу — маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ва унинг таннархини камайтиришнинг, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширш, халқ фаровонлигини яхшилашнинг асосий манбаидир. Лекин етти йиллик планнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақидаги топшириғи республикада фан ва техника ютуқларининг сусг жорий қилинаётганлиги, янгидан ишга туширилаётган янги қувватлар сусг ўзлаштирилаётганлиги, малакали кадрлар ўз вақтида тайёрланаётганлиги орқасида бажарилмай қолмоқда.

Ижтимоий меҳнатдан, корхоналарда ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш, машина-ускуналар, хом ашё, электр энергиясн ва материаллардан фойдаланишдаги нуқсонлар давлатга катта зарар етказмоқда. Халқ хўжалиги кенгашининг корхоналари ўтган йили 11,3 миллион сўмлик унумсиз харажатларга йўл қўймаганларида, шунингдек планда кўрсатилмаган 3,1 миллион сўмлик турли нобудгарчиликларни қилмаганларида, анча кўп фойда келтиришлари мумкин эди.

Планлаштириш ва иқтисодий стимуллардан фойдаланишдаги жиддий камчиликлар ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва унинг самарасини оширишга суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Планлаштиришни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган ва КПСС Марказий Комитетининг Пленуми маъқуллаган тадбирлар мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг перспектив планлари ролини оширишни, давлатнинг планли раҳбарлигини корхонанинг хўжалик мустақиллиги ва ташаббуси билан бирга тўғри қўшиб олиб боришни таъминлашни кўзда тутади. Эндиликда энг муҳим топшириқлар йилма-йил тақсимлаб қўйиладиган беш йиллик план халқ хўжалигига планли раҳбарлик қилишнинг асосий формаси бўлиб қолади. Корхоналар ҳам ўзларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятларини беш йиллик планлар негизига қуришлари лозим. Шундай қилинганида, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий этиб бориш, ишлаб чиқаришни барқарор ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни таъминлаш, маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга ўз вақтида тайёргарлик кўриш мумкин бўлади.

Бизнинг планларимиз жамиятнинг мавжуд ва олдиндан аниқлаб билиб олинган эҳтиёжларини аниқ ҳисобга олиш, мавжуд имконият ва ресурсларни яхши билишга асосланиб тузилиши лозим. Шу вақтгача саноатга раҳбарлик қилишда иқтисодий методларга зиён етказилган ҳолда, маъмурий методларга кўпроқ ўрин берилди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ишлаб чиққан тадбирлар ана шу жиддий камчиликни йўқотишга қаратилган. Халқ хўжалигини ривожлантиришни планлаштириш чинакам илмий асосда бўлиши, планлаштиришда ўзбошимчалик ва субъективизм кўринишларига барҳам берилиши керак. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми корхоналар ишини ҳаддан ташқари чегаралаб қўйишга барҳам беришни, корхонага юқоридан тасдиқлаб бериладиган план топшириқларининг сонини қисқартиришни, уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур восита ва маблағлар бериб қўйишни, фойда, нарх, мукофот, кредит сингари энг муҳим иқтисодий воситалардан фойдаланишни яхшилашни мақсадга мувофиқ, деб топди.

Ўтган йили Халқ хўжалиги кенгаши ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 102,1 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 102,4 процент бажарди, маҳсулот таннархини пландан ташқари 6,8 миллион сўм миқдорида камайтирди. Юзаки қараганда, ҳамма иш жойида ва ҳодимларни мукофотлаш керакдек туйилади. Ваҳоланки Халқ хўжалиги кенгаши 5,3 миллион сўм кам фойда берди. Маълум бўлишича, бир қанча корхоналарнинг раҳбарлари «ялпи» маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажариш кетидан қувиб, фойда келтирши ёки келтирмаслигини реализация қилиниши-қилинмаслигини ўйлаб-нетиб турмай маҳсулот ишлаб чиқара берганлар ва бунинг учун лозим даражада жавобгар бўлмаганлар.

Баъзи корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари пул маблағлари ва моддий бойликларни ўринсиз сарфлаш эвазига бўлса ҳам ишлаб чиқариш планини бажаришга интилмоқдалар. Бунинг натижасида оборот маблағларни «еб қўймоқдалар». Кейинги олти йил мобайнида саноат корхоналаридаги ўз оборот маблағлари етишмовчилигини қоплаш учун бюджет ҳисобидан ва халқ хўжалигида вужудга келадиган фондларнинг бир қисмидан 370 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратиб берилди. Ҳолбуки, бу маблағлардан ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш тадбирлари учун фойдаланиш мумкин бўлар эди. Шу билан бирга, корхоналарда товар-моддий бойликларнинг, катта запаслари тўпланиб қолиб, уларнинг оборотн жуда секинлашиб кетди. Эндиликда корхоналар зарур бўлиб қолган тақдирда банк кредитидан фойдаланиб ўз оборот маблағларининг етишмовчилигини ўзлари тўлдиришлари керак.

Ҳозирги вақтда капитал маблағ давлат бюджетидан қайтариб олмаслик шарти билан берилмоқда. Корхоналарнинг раҳбарлари капитал маблағларнинг яхши самара бериши тўғрисида кўпинча гам емайдилар. Капитал қурилиш учун қайтариб олмаслик шарти билан маблағ беришдан узоқ муддатли кредит беришга ўтиш аҳволни тубдан ўзгартиради. Ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг сони ҳозир йилдан-йилга кўпаймоқда. Асбоб-ускуналар банк кредити ҳисобига сотиб олинадиган бўлганда эса, корхона ва қурилишларнинг раҳбарлари машина-ускуналарни сотиб олиш керакми-йўқми, уларни қачон ва қанча миқдорда олиш керак, шу машина-ускуналарни сотиб олиш ўзини оқлайдими, деган масалалар устида жиддий бош қотиradиган ҳамда машина-ускуналарни тезроқ ишга тушириш чораларини кўрадиган бўлади.

Саноатдаги асосий фондлардан фойдаланиш самараларини оширишни рағбатлантиришнинг иқтисодий чоралари ҳам катта аҳамиятга эга.

Бу фондлар жуда тез кўпаймоқда. Лекин улардан кўпинча қониқарсиз фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқариш фондлари учун ҳақ тўлашнинг жорий этилиши корхона раҳбарларини улардан фойдаланишни яхшилаш чораларини кўришга мажбур қилади.

Корхоналар ва ташкилотлар коллективларини моддий рағбатлантириш масаласининг аҳамияти ҳам катта. Шу вақтга қадар корхона фонди оз миқдорда ташкил этилар эди. Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарнинг қарийб ярми ўтган йили бундай фондга эга эмас эди. Бунинг устига пландан ташқари олинган фойдадан 30 процентдан тортиб 60 процентгача маблағ ажратилгани ҳолда планда кўрсатилган фойдадан бу фондга жуда оз миқдорда маблағ ажратилар эди. Корхоналар оптималь план олишдан манфаатдор бўлмай қолар эди.

Ўтган йили Халқ хўжалиги кенгаши бўйича ходимларни якка тартибда мукофотлаш, санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар олиб бериш, бир йўла ёрдам кўрсатиш учун саноат-ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда атиги 10 сўм 30 тийин сарф қилинган. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги техникани жорий этишга мўлжалланган корхона фондига ҳам жуда оз маблағ ажратиб берилган эди. 1964 йилда Халқ хўжалиги кенгаши бўйича шу мақсад учун атиги 1,6 миллион сўм сарф қилинди.

Корхоналарнинг фондларига маблағ ажратиш тартиби ўзгартирилаётганлиги корхона раҳбарларя ва коллективларида ишлаб чиқаришнинг реал планларини белгилаш ва фойда олиш планини бажаришдан манфаатдорликни вужудга келтиради.

Планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан КПСС Марказий Комитети Пленуми қабул қилган чоралар саноатга тармоқлар бўйича марказлаштирилган раҳбарликни кучайтириш билан бир қаторда корхоналарнинг оператив мустақиллиги ва ташаббускорлигини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Ҳўжалик ҳисоби, планлаштириш ва хўжалик юритишда нарх, фойда, мукофот, кредит сингари иқтисодий воситалардан кенг фойдаланиш, корхоналарни ишлаб чиқаришни ўстириш ва техникани такомиллаштиришдан, маҳсулот сифатини узлуксиз яхшилаб бориш ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишдан кўпроқ манфаатдор қилиш социалистик хўжалик системасининг афзалликларидан тўлароқ фойдаланиш имконини беради ва коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам кўрсатади.

СССР Министрлар Совети социалистик давлат ишлаб чиқариш корхонаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлади. Бу Низомга мувофиқ, корхоналарнинг ҳуқуқлари ва хўжалик мустақиллиги анча кенгайтирилади. Масалан, шу вақтга қадар корхона учун юқоридан оборот маблағларининг умумий ҳажми белгиланибгина қолмасдан, балки уни қандай тақсимлаш ҳам икир-чикирларигача кўрсатиб берилар эди. Эндиликда корхоналарга фақат оборот маблағларининг умумий нормативи белгилаб берилади. Бу маблағларни ниналарга ва қанча миқдорда сарфлаш масаласини корхона раҳбарларининг ўзлари ҳал қиладилар. Аммортизация маблағларини ишлатишда, ортиқча ва ишлатилмаётган машиналар ҳамда асосий фондларнинг бошқа турларини реализация қилишдан олинган маблағлардан фойдаланишда ҳам корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгайтирилади.

Болалар боғчалари, яслилар, пионер лагерлари, маданий-маиший объектлар, уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш объектларини ўзларининг раҳбатлантириш фондлари ҳисобига қуриш масалаларини корхоналар мустақил ҳал қила берадилар.

Корхона раҳбарларига белгиланган иш ҳақи фонди доирасида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ишбай, вақтбай ёки аккорд системасини жорий этиш, корхона структураси ва штатларини ҳамда маъмурий-хўжалик харажатлари сметасини мустақил равишда тасдиқлаш ҳуқуқи берилади.

Хўжалик шартномаларининг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда. Хўжалик шартномаси ва уни албатта бажариш корхоналарнинг ишида ҳамда бошқа хўжалик ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда норма бўлиб қолиши керак.

1957 йилда саноатни бошқариш қайта қурилганлиги ва тармоқлар бўйича бошқаришдан халқ хўжалиги кенгашлари орқали территориал принцип асосида бошқаришга ўтилганлиги ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш имконини берди, дастлабки пайтларда саноатнинг айрим тармоқларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш соҳасида жойлардаги ташаббускорликни авж олдиришда маълум даражада роль ўйнади.

Амчо саноатни бошқаришнинг территориал принципида бир қанча катта камчиликлар ҳам бор эди. Саноат ишлаб чиқариши ўса борган сари бу камчиликлар тобора равшан кўриниб қолди. Республика территориясида даставвал 4 та, кейинчалик 5 та Халқ хўжалиги кенгаши тузилди. Бир тармоқдаги корхоналар тарқоқ равишда бошқариладиган бўлиб қолди. Бу ҳол ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларига, техника тараққиётига ва саноат ишининг сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатди. Кейинчалик республика Халқ хўжалиги кенгаши, шундан сўнг Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши ва ниҳоят яна республика Халқ хўжалиги кенгаши тузилганлиги аҳволни тузатгани йўқ. Халқ хўжалиги кенгаши турли профиллардаги жуда кўп корхоналарга малакали раҳбарликни амалга ошириш имкониятига эга бўлмай қолди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси саноатни бошқаришни яхшилаш юзасидан қарор қабул қилганлиги ва бу қарорда саноатни бошқаришнинг территориал принципидан тармоқ принципига ўтиш кўзда тутилганлиги социалистик хўжалик системасининг афзалликларидан тағин ҳам тўлароқ фойдаланишга ва ҳар бир республиканинг ҳам, умуман бутун мамлакатнинг ҳам экономикасини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган пленуми КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини якдиллик билан маъқуллади. КПСС Марказий Комитети Пленумининг, СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг қарорларига ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг қарорига амал қилиб, республика Министрлар Совети қуйидаги иттифоқ-республика министрликлари ва бошқармалари тузиш тўғрисидаги таклифларни Олий Советнинг муҳокамасига тақдим этади:

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги;

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги;

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги;

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги;

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги;

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги.

СССР Давлат геология комитети СССР иттифоқ-республика Геология министрлигига айлантирилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Давлат ишлаб чиқариш геология комитетини Ўзбекистон ССР Геология министрлигига айлантириш тўғрисида таклиф киритилади.

Маҳаллий саноатни ривожлантиришда Советларнинг роли жуда катта. Ҳар бир Совет ва унинг ижроия комитети ҳозир ўз территориясида қандай корхоналарни ташкил этиш мумкинлигини ўйлаб кўриши, бунинг учун маҳаллий материаллар ва ресурслардан фойдаланиши лозим.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқ учун пастдан юқоригача барча давлат ва хўжалик органлари ишининг услуб ва методларини янада такомиллаштириш талаб этилади. Шуни ҳам эътироф қилиш керакки, бир қанча ташкилотларнинг ишида ҳали ҳам бюрократизм ва ишга юзаки қараш ҳоллари мавжуддир. Кўпгина ҳолларда турли мажлислар ўтказиш, ёзма директивалар тузиш орқали фаолиятсизлик, масъулиятсизлик ва баъзан ишга яроқсиз муносабатда бўлишни ниқоблашга уринмоқдалар. Бу — ишлаб чиқаришда бевосита ўтиб бориладиган ташкилотчилик ишига зарар етказмоқда.

Бошқариш аппаратининг ҳамма звеноларида давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш, мақтанчоқлик, маҳаллийчилик ва маҳкамачилик кўринишларини кескин суратда бартараф этиш хўжалик қурилишда муваффақият қозонишнинг зарур шартидир.

Етти йиллик тугалловчи йили планини муваффақиятли бажармоқ учун социалистик мусобақа тобора кенг авж олмоқда.

Республика саноати тўққиз ой мобайнида планни 102 процент бажарди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва товар маҳсулот таннархини камайтириш плани бажарилди. Бир қанча тармоқларда техника-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан планда белгиланган топшириқлар оширилб бажарилди.

Аммо республикадаги кўпгина корхоналарнинг қониқарсиз ишлаётганлиги ана шу ўртача рақамлар соясида яшириниб қолмоқда. Халқ хўжалиги кенгашининг 8 тармоқ бошқармаси ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш юзасидан сентябрь ойи планини бажармади. Энергетика ва электрлаштириш министрлиги (ўртоқ Ҳамидов), Қурилиш министрлиги (ўртоқ Иброҳимов), Автомобиль-транспорти ва тош йўллар министрлиги (ўртоқ Стрельцов), Сув хўжалиги министрлиги (ўртоқ Билбас) ва Коммунал хўжалиги министрлиги (ўртоқ Мирзааҳмедов) сентябрь ойи планини бажармадилар. Республикадаги 196 корхона 9 ойлик планни бажармаганлигини корхоналар ишига раҳбарлик ва контролликнинг бўшлиги ноюбрлигини билан гина изоҳлаш мумкин. Резинатехника буюмлари заводи, Навоий химия комбинати, Қувасой цемент комбинати 9 ой мобайнида беш марта планни бажармади, «Полвонтош» нефть кони, Сирдарёдаги бинокорлик материаллари комбинати, Термиз гишт заводлари бошқармаси ва Урганчдаги бинокорлик материаллари заводи шу вақт ичида 6-7 марта планни бажармади.

План фақат ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бажарилса, тасдиқланган номенклатурадаги буюмлар кўрсатилган миқдорда ишлаб чиқарилмаса, саноатнинг ишини қониқарли деб ҳисоблаб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда буюмларнинг сифати масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Кўпгина корхоналар биринчи сортда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги топшириқларни бажармай келмоқдалар. Шу сабабли меҳнаткашлар ўзларига керакли юқори сифатли буюмларни ҳамиша сотиб олмоқдалар, деб бўлмайди. Корхоналар эса қайтариб юборилган маҳсулотлар, бракни тузатишга катта-катта маблағ сарфлаб, бунинг оқибатида зарар кўрмоқдалар. Бу гап, айниқса, Тошкент тўқимачилик комбинатига, Марғилон ипак комбинатига, «Фаргона» тикувчилик фирмасига тааллуқлидир.

Министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари бу йилги планнинг ҳамда етти йиллик план контроль рақамларининг ҳар бир корхона томонидан маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича қандай бажарилаётганлигини қараб чиқишлари ва бу план ҳамда топшириқларнинг барча кўрсаткичлар бўйича сўзсиз бажарилишини таъминлашлари лозим.

Республикада капитал қурилиш планн қониқарсиз бажарилмоқда. Бу соҳада иш натижаларига сарфланган маблағларнинг миқдорига қараб эмас, балки тайёр маҳсулотга, яъни асосий фондларнинг ишга солинишига қараб баҳо бериш лозим. Ваҳоланки, асосий фондларни ишга тушириш тўққиз ойлик плани атиги 73 процент, йиллик план эса 39 процент бажарилди. Уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш тўққиз ойлик плани 78 процент бажарилди. Касалхона ва боғча ҳамда ясслар қурилиши мутлақо қониқарсиз бормоқда. Ҳар бир қурилишдаги аҳволни яна бир марта кўздан кечириш ва иш суръатларини жадаллаштириш учун барча чораларни кўриш, планни бажаришда қурилиш ташкилотларига зарур ёрдам кўрсатиш керак.

Кўпгина савдо ташкилотларининг ишида жиддий камчиликлар бор. Сирдарё, Бухоро ва Хоразм областларида товар оборотн плани бажарилмади. Савдо шохобчалари суст кенгайтирилмоқда, товар қолдиқлари кўпайиб бормоқда.

Бюджетнинг даромадлар плани 9 ой ичида 104,3 процент бажарилди. Бу эса халқ хўжалиги планида кўзда тутилган барча тадбирларни пул билан узлуксиз таъминлаб туриш имконини берди. Бир қанча министрликлар давлат бюджети олдидаги молиявий бурчларини яхши бажармаётирлар, фойдалардан олинадиган ажратмалар соҳасида катта боқимонданлар бўлишига йўл қўймоқдалар. Халқ хўжалиги кенгашининг корхоналари бюджетга 3 миллион 680 минг сўм, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги 2 миллион 920 минг сўм, Алоқа министрлиги 639 минг сўм беролмай қолди. Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг баъзи раҳбарлари ҳам бюджетнинг даромадлар планини бажаришга зарур даражада эътибор бермаяптилар.

Биз қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам катта вазифаларни ҳал қилишимиз керак. Пахта юзасидан олган мажбуриятимизни бажариш учун курашиб, биз шу билан бирга машина терими планини бажаришга алоҳида эътибор беришимиз керак. Бу йил биз камида бир миллион тонна пахтани машинада териш мажбуриятини ўз зиммамизга олдик. Ҳозирча 800 минг тонна пахта машинада терилди. Олинган мажбуриятни шараф билан бажариш чораларини кўриш лозим. Ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир район ва областнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ошқа турларини тайёрлаш планини ҳам бажаришини таъминлаш керак. Сурхондарё, Сирдарё ва Фаргона областлари гўшт тайёрлашда, Сирдарё ва Бухоро областлари жун тайёрлашда, Қашқадарё области сабзавот, полиз экинлари, мева ва узум тайёрлашда жиддий суратда орқада қолмоқдалар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланадиган пунктларда барчам бермоқ учун тегишли чораларни кўрмоқ керак. Шоли тайёрлаш суръатларини кучайтиришга айниқса кўп эътибор бермоқ лозим.

Келгуси йилда мўл ҳосил олиш учун замин яратадиган қишлоқ хўжалик ишларига катта эътибор бериш керак. Лекин кузги шудгор ва кузги экиқларни экиш ҳали ҳам суст бормоқда, шу вақтгача уруғлик ғамлаб қўйилган эмас. Кўп йиллик ўтларнинг уруғини янчиб олиш тугалланмади.

Чорва мол қишловига тайёргарлик қониқарсиз бормоқда. Қорақалпоғистон, Бухоро, Тошкент ва Андижон областларининг колхоз ва совхозлари ем-хашак тайёрлашда кейинда қолмоқдалар. Чорвачилик биноларини қуриш суст олиб борилмоқда. Ҳар бир районда, ҳар бир хўжаликда чорва мол қишловига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган масалаларни қараб чиқиш керак.

Депутат ўртоқлар! Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ишлаб чиқган тадбирларни якдиллик билан маъқулламоқдалар. Завод ва фабрикаларда, қурилишларда ва транспортда, колхоз ва совхоз далаларида партиянинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кенг авж олмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми кеча Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVII съездини 1966 йил 3 мартда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Республика меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездини ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVII съездини ғоят муваффақиятли бажариб кутиб олиб, коммунистик қурилиш умумий ишига муносиб ҳиссаларни қўшадилар. Бунга шак-шубҳа йўқ! **(Қарсаклар).**

---

* Доклад қисқартириб босилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎРТОҚ Р. ҚУРБОНОВ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат К. С. ПОСПЕЛОВ нутқи

(Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат доимий комиссиясининг раиси)

Барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини яқдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар. Партиянинг навбатдаги XXIII съездини чақириш тўғрисидаги хушхабар, саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш соҳасидаги барча чора-тадбирлар ҳамма жойда чуқур мамнуният туйғусини уйғотди.

ССР Иттифоқи Олий Советининг яқинда ўз ишларини тамомлаган олтинчи сессияси партия белгилаган тадбирларни бутун халқимиз маъқуллаганлигининг ёркин ифодаси бўлди. Бу сессия саноатни бошқариш органлари системасини тармоқ принципига қараб ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқлари ўз хусусиятларига кўра тобора кўпроқ ажралиб чиқаётган индустриямизнинг ривожланишидаги объектив тенденцияларга мос бўлиб тушади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат доимий комиссияси иш давомида бир қанча масалаларда тез-тез қийинчиликларга учраб турдики, бошқаришнинг шу вақтгача мавжуд бўлиб келган системаси шароитида бу масалаларни ижобий ҳал қилишнинг иложи бўлмади. Чунончи, маиший химияни ривожлантиришда ана шундай қийинчиликка дуч келинди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари асосида саноатни бошқаришни яхшилаш тўғрисидаги масалани сессияда муҳокама қилган вақтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати тўғрисида гапирмай ўтиб бўлмайди. Шу йилнинг май ойида доимий комиссия мажлисида Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши ғўшт, сут саноати корхоналарининг иши мухокама қилинган эди. Халқ хўжалиги кенгашининг комиссияга тақдим этган маълумотида бу йил ишлаб чиқарилган қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва барча хилдаги пишлоқларнинг ундан бир қисми, ишлаб чиқарилаётган барча эритилган сариёғнинг салкам чорак қисми брак қилинганлиги кўрсатилган эди. Тошкент сут комбинати, Гулистон сут заводи, Нукус ва Олмалиқ гўшт комбинатлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифатини яхшиламоқ керак. Маҳсулот сифати тўғрисидаги масаланинг иқтисодий жиҳати бор. Шу сабабли Коммунистик партия билан Совет ҳукумати ўз қарорларида корхонанинг фаолияти натижаларига сотган маҳсулотига, маҳсулотнинг энг муҳим турларини етказиб бериш топшириқларини қандай бажарганлигига ҳамда олган фойдасига қараб баҳо бериш зарур, деб таъкидладилар.

Ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларининг жадаллашуви ўз навбатида иш ҳақининг ошишига албатта сабаб бўлади, бу эса халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни тағин ҳам тезроқ кўпайтиришни талаб қилади. Фақат енгил саноатнинг ўзи эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи саноат ҳам бу вазифани бажаришга актив кўшилган тақдирдагина вазифа муваффақиятли ҳал этилиши мумкин. Маҳаллий саноатни янада ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Планлаштиришнинг янги системаси шароитида аҳолининг эҳтиёжлари анча тўлиқ қондириладиган бўлади.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, ягона давлат планлаштирилишини тўла хўжалик ҳисоби билан, корхоналарнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини ошириш билан, тармоқларга марказлаштирилган тарзда раҳбарлик қилишни кенг ташаббускорлик билан қўшиб олиб бориш ишлаб чиқаришни бошқаришнинг навбатдаги принципларини янада кенгайтиришни таъминлайди.

Саноатни бошқаришнинг КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумида қабул қилинган ва демократик централизмнинг ленинча принципларига асосланган энг мукаммал системаси экономикамизнинг ҳозирги талабларига тўлиқ мос бўлиб тушади, социалистик тузум афзалликларидан энг тўла фойдаланиш имконини беради. (Қарсаклар).

Депутат Э. Т. ШАЙХОВ нутқи

(Тошкент область ижроия комитетининг раиси)

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми ва СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг ҳужжатларида халқ хўжалигини юритиш социалистик системасининг жуда катта афзалликлари кўрсатиб берилди ва мамлакатимиз саноатини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар қайд қилинди.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучлари ҳам ғоят тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ўртоқ Қурбонов бугун сессиясида қилган докладида шу тўғрида гапирди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қарийб 22 процентини Тошкент области бермоқда. Етти йиллик даврида областда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 2.4 баравардан зиёд ортди. Келгуси беш йилликда кўмир ва химия саноати янада ривожланади, рангли металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш кескин суратда ортади. Машинасозлик ва энергетикани, озиқ-овқат саноати ва маҳаллий саноатни кенгайтириш кўзда тутилади.

Муваффақиятларимиз ҳаммага аён, истиқболимиз ҳам порлоқдир. Аммо партия бизга бутун эътиборингизни камчиликларни йўқотишга қаратинглар, деб таълим бермоқда. Тармоқ принципидан воз кечиш саноатни бошқаришни ғоят мушкуллаштириб юборди. Саноатни бошқариш қийин ва кўп погонали бўлиб қолган эди. Бир мисол келтириб ўтаман. Областда пишиқ ғишт ва оҳакка эҳтиёж катта. Маиший хизмат кўрсатувчи область бошқармаси эса, ғишт ва оҳак корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини тўхтатиб қўйди. Область ижроия комитети пишиқ ғишт ва оҳакни яна ишлаб чиқара бошлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо бу масала бир неча ойдан буён республика Госплани ва «Главбит»да ҳал этилган эмас. Бизнинг фикримизча, маҳаллий характердаги масалаларни область ижроия комитетларининг ўзлари ҳал этсалар, жуда маъқул иш бўлур эди.

Коммунал хўжалик министрлиги ва «Главбит» республика аҳолисига хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланмоқдалар. Уларнинг фаолият доираси ўйлаб-нетиб турмай чегаралаб қўйилган. Бу эса кўпинча ноқулайликлар туғдирмоқда. Ичимлик сув, канализация, газ, ҳаммом ва кирхоналар билан таъминлаш ишида ҳали камчиликлар кўп. Моддий техника таъминотининг яхши уюштирилмаганлиги, қурилиш ташкилотларининг механизмлар билан етарли таъминланмаганлиги, улар учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тузиб берилмаётганлиги орқасида коммунал қурилишга ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилмай қолмоқда.

Қишлоқ жойларда қурилиш ишларини уюштириш ва планлаштиришда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Бу ҳол республикада Қишлоқ қурилиши министрлигини тузишни талаб этади.

Бизнинг фикримизча, тармоқ министрликлари ва корхона раҳбарларигина эмас, балки маҳаллий Советлар ҳам саноатнинг иши учун жавобгар бўлишлари керак.

Мен Тошкент область меҳнаткашлари номидан гапириб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган ва республика экономикасини жадал ривожлантириш манфаатларига жавоб берадиган таклифларни маъқуллашни таклиф этаман. (Қарсаклар).

Депутат М. ХУДОЙБЕРГАНОВ нутқи

(Хоразм область ижроия комитетининг раиси)

Хоразм области саноат корхоналари, транспорти коллективлари, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, областнинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси белгилаган тадбирларни зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдирдилар.

Область саноат корхоналарининг ходимлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини муддатидан илгари бажардилар. Йил охиригача етти йиллик планда кўзда тутилганидан 7,5 миллион сўм ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланади.

Хоразм областининг пахтакорлари фидокорона меҳнат қилиб, мисли кўрилмаган даражада кўп «оқ олтин» ҳосили етиштирдилар.

Область давлатга пилла, қорақўл тери, жун, сабзавот, мева сотиш планларини ҳам муддатидан анча илгари бажарди, ем-хашак тайёрлаш плани ҳам бажарилди.

Саноатни бошқариш системасининг қайта қурилиши маҳаллий партия ва совет органларидан корхоналарга раҳбарлик методларини яхшилашни талаб этади.

Социалистик ишлаб чиқариш манфаатлари катта ва кичик ҳар бир корхонанинг рентабель ишлашини талаб қилади. Аммо баъзи корхоналарнинг зарар кўриши юқоридан планлаштириб қўйилади. Бу эса корхонадаги ҳар бир ходимнинг моддий манфаатдорлигини камайтиради, албатта.

Республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига қарашли бир қанча корхона ҳамда ташкилотлар Хоразм областида ишлаб турибди. Бу корхона ва ташкилотларни бирлаштириш ҳамда уларни область автомобиль транспорти ва тош йўллар бошқармаси ихтиёрига топшириш кераклиги эди, чунки бу ташкилотларнинг ишлари ва уларни моддий техника воситалари билан таъминлаш планлари маҳаллий шароитларни эътиборга олмай тузилмоқда.

Планларни тузиш ва тасдиқлашнинг мавжуд системасини қайтадан кўриб чиқмай туриб, маҳаллий планлаштирувчи органларни бу ишда бевосита ва актив қатнаштармай туриб, Госпланнинг ролини ошириш ва унинг ўз зиммасига юкланган вазифаларни муваффақиятли бажариши мумкин эмас.

Олий Совет сессиясини ишонтириб айтаманки, бутун совет халқи каби Хоразм областининг меҳнаткашлари ҳам КПССнинг XXIII съездини меҳнат соҳасида янги зафарлар билан кутиб оладилар. (Қарсаклар).

Депутат А. АКРАМОВ нутқи

(Сурхондарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари)

□ □

Мамлакатимизнинг бутун индустрияси каби Сурхондарё областининг саноати ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. Кейинги 6 йил ичида бу областда саноат ишлаб чиқариши ҳажми қарийб 40 процент ортди. Аммо, тармоқ бўйича раҳбарлик принципи бузилмаганида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга ўстиришнинг янада юксак суръатларига эришиш мумкин бўлар эди. Кейинги йилларда ўтказилган қайта қуришлар саноатни ривожлантиришга халақит берди. Сурхондарё областидаги саноат корхоналари даставвал Самарқанд Халқ хўжалиги кенгашига, сўнгра Бухоро Халқ хўжалиги кенгашига бўйсундирилди. Кейинчалик уларни Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашига ва ниҳоят Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашига бўйсундирдилар. Қайта қура беришлар маҳаллий органларнинг саноат корхоналари билан алоқасини анчагина узиб қўйди. Натижада областнинг саноат корхоналари ўз ресурсларидан тўла фойдаланиш имкониятидан маҳрум этди.

Янги тузиладиган министрликлар мавжуд камчиликларга чек қўйиш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўрадилар, ишлаб чиқаришни яхшилаш йўлларини белгилайдилар ва бунинг учун маҳаллий ресурслардан тўла фойдаланадилар, деб умид қилиш мумкин.

Коммунистик партия кейинги вақтларда маҳаллий Советларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга, уларнинг фаолиятини кучайтиришга қаратилган бир қанча тадбирларни кўрди. Эндиликда хўжалик қурилиши масалаларини ҳал этишда меҳнаткашлар депутатлари Советларига катта ўрин берилмоқда. Шу сабабли, янги тузиладиган министрликлар ва мавжуд министрликлар район, шаҳар ва областлардаги корхоналарга раҳбарлик қилишда, маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда перспектив планларни тузишда Советларнинг маҳаллий органлари билан маҳкам алоқа боғлашлари керак. Нотиқ министрликлар ва идораларнинг маҳаллий органлар билан етарли даражада алоқа боғламаганликлари тўғрисида гапиради.

Барча совет кишилари каби Сурхондарё областининг меҳнаткашлари ҳам, деди нутқининг охирида Ўртоқ Акрамов, КПССнинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун ва Ватанга 280 минг тонна «оқ олтин» топшириш юзасидан олган мажбуриятларини октябрь сўйидаёқ бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. (Қарсаклар).

Х. А. АСОМОВ нутқи

(Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси)

□ □

Тошкент шаҳрида етти йил мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми умуман 1,7 баравардан зиёд ортди. Саноат корхоналари шу йилнинг 9 ойи мобайнидаги пландан ташқари 18 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Капитал қурилиш соҳасида ҳам муваффақиятларга эришдик.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессиясининг қарорлари саноатни бошқаришни яхшилаш соҳасида маҳаллий Советлар зиммасига катта вазифалар юклади. Саноатни бошқаришдаги нуқсонлар ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга жиддий халақит берди, айрим ҳолларда эса халқ истеъмоли буюмларининг кўп турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйишга олиб келди. Масалан, Халқ хўжалиги кенгашининг Тошкент шаҳридаги корхоналарида 250 хилдан кўпроқ товарни ишлаб чиқариш тўхтатилди. Бу ишлар кўпинча маҳаллий совет органлари ва савдо ташкилотларининг рухсатисиз қилинди.

Капитал қурилиш масалалари тўғрисида гапирмай иложи йўқ, чунки саноат корхоналари ишларининг муваффақияти ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириш, уй-жой ва маданий-маиший объектларини ўз вақтида фойдаланиш учун топширишга боғлиқдир. Аҳолига хизмат кўрсатадиган объектлар қурилиши уй-жой қурилишидан кейинда қолмоқда. Чилонзор массиви бунга яққол мисол бўла олади. Бу ерда 120 мингдан ортиқ киши яшайди, аммо кутубхона учун битта ҳам бино қурилган эмас, кинотеатр шохобчалари етарли деб бўлмайди, мактабгача тарбия муассасалари, савдо, умумий овқатланиш корхоналари ва маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар етишмайди. Ижроия комитетлар капитал маблағларни тўғри ва комплекс тақсимлаш имкониятига эга бўлмаганликлари учун бундай аҳвол рўй бермоқда.

Саноатни бошқаришни қайта қуриш маҳаллий Советларнинг ташаббуси ва ролини ғоят ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб борилиши лозим. Министрликлар ва идоралар халқ истеъмоли товарларининг ишлаб чиқариладиган турларини маҳаллий совет органлари ва савдо ташкилотлари билан келишиб олишлари лозим.

Катта пойтахт шаҳарларидан ўрнак олиб, Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳузурида идораларга қарашли трестлар базасида автомобиль транспорти бош бошқармасини тузиш мақсадга мувофиқдир. Бу бошқарма қурилиш ташкилотларидан ташқари барча корхоналар ҳамда ташкилотларга хизмат кўрсата олади.

Республика пойтахтининг маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари депутатларининг ва барча меҳнаткашларнинг ижодий активлигини белгиланган тадбирларни сўзсиз бажариш учун, КПССнинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун сафарбар қилишни ўз вазифалари деб биладилар. (Қарсаклар).

Депутат П. ҚАЮМОВ нутқи

(Андижон область ижроия комитетининг раиси)

□ □

Область саноат корхоналарининг меҳнаткашлари етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин тугалладилар. Кўпгина бригадалар, бўлимлар, бир қанча колхоз ва совхозлар, шунингдек Бўз ва Задарё районлари пахта тайёрлаш планларини бажариб қўйдилар.

Муваффақиятлар билан бир қаторда область саноатини ривожлантиришда катта-катта нуқсонлар ҳам бор. Бунинг сабаби шуки, саноатни бошқаришнинг ҳозирги методлари экономиканинг, техниканинг ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзгариб бораётган шароитларига мос келмай қолди.

Аввало беқарор, баъзан эса нореал планлар бериб келинганлиги, моддий техника таъминоти яхши бўлмаганлиги оқибатида корхона раҳбарларининг иши қанчалик мушкуллашиб қолганлиги ҳаммамизга яхши маълум, ўртоқлар. Масалан, илгор корхона бўлган Андижон ёғ-жир комбинатида тўққиз ой мобайнида ишлаб чиқариш плани тўрт марта, таннарх ва фойда плани эса саккиз марта ўзгартирилди, бошқа кўпгина корхоналарда ҳам шундай фактлар учрамоқда. Бундай яроқсиз планлаштириш практикаси корхонани ноқулай аҳволга солиб қўймоқда, унинг ишига салбий таъсир қилмоқда.

Аҳолининг, колхоз ва совхозларнинг эҳтиёжларини қондиришда маҳаллий саноат қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги яхши маълум. Биз Маҳаллий саноат министрлиги тузиш тўғрисидаги таклифни қувватлаймиз ва бу министрлик аҳолини таъминлашни яхшилаш учун шўп иш қилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, саноат ва капитал қурилишнинг иши учун фақат министрликлар эмас, шу билан бирга маҳаллий Советлар ҳам жавобгар бўлиши лозим. Шу сабабли корхоналар ва қурилишларнинг маҳаллий Советлар олдида ҳисоб бериб туришини йўлга қўймоқ керак. Республика Госплани халқ хўжалик планини тузиш вақтида шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари план комиссияларининг ўз территорияларидаги корхоналар ва қурилишлар хусусида берган таклифларини ҳисобга олиши лозим. Бу — резервлардан яхшироқ фойдаланиш имконини беради.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари сув танқислиги шароитида пахтадан яхши ҳосил етиштирдилар. Ҳозир барча колхоз ва совхозларда фақат планнигина эмас, балки олинган социалистик мажбуриятларни ҳам муддатидан олдин бажариш учун қунт билан кураш олиб борилмоқда. Давлатга бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш планларини муддатидан олдин бажариш учун қўшимча чоралар кўрилмоқда.

Республикамиз саноатини бошқаришни яхшилаш юзасидан сессияда муҳокама қилинаётган чора-тадбирларни батамом маъқуллаймиз. Андижон областининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга оширмоқ учун ҳамма ишларни қиладилар, деб Ўзбекистон ССР Олий Советини ишонтиришга рухсат бергайсиз. (Қарсаклар).

Депутат Х. ШОКИРОВА нутқи

(Қўқон шойи тўқиш фабрикасининг директори)

□ □

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг экономикамизни янада ривожлантиришга қаратилган қарорларини Қўқон завод ва фабрикаларининг, транспорт корхоналари ва қурилишларининг меҳнаткашлари қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Сўнгги йилларда кўпгина корхоналаримиз тармоқларни ва марказлаштирилган тармоқ раҳбарлигининг йўқлиги сабабли ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг самараларини оширишга доир энг зарур масалаларни ҳал қилишда қийинчиликларга учрадилар. Партия билан ҳукумат ишлаб чиқариш фаолиятини ўз ичига олган катта хўжалик ислоҳотини амалга ошириш вазифаларини белгилаб чиқдилар, бу тадбирларни муваффақиятли рўёбга чиқариш йўлларини кўрсатиб бердилар.

Шу кунларда «Большевик» заводида яхшигина ташаббус вужудга келди. Корхонадаги ишчи мухбирларнинг катта отряди КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларига жавобан маҳсулот сифатини янада яхшилаш, моддий-техника ресурсларини тежаб-тергаб ишлатиш резервларини аниқлаш учун бошланган оммавий рейдга қўшилди. Хўжасизликка, исрофгарчиликка қарши аёвсиз кураш бошлаб юборилди.

Биз саноатни бошқаришни яхшилаш юзасидан сессия муҳокамасига тақдим этилган тадбирларни тўла-тўкис ва батамом қўллаб-қувватлаймиз ҳамда КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари экономикани янада юксалтиришга, совет халқининг фаровонлигини узлуксиз ошириб боришга ёрдам беради, деб ишонамиз. (Қарсаклар).

Е. А. АЙТМУРОТОВ нутқи

(Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раиси)

□ □

Барча совет кишилари каби Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми ва СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг қарорларини баланд руҳ билан қутиб олдилар.

Қорақалпоғистон саноати етти йиллик даврида янада ривожланди. 23 та янги саноат корхонаси ишга туширилди ва кўпгина эски корхоналар реконструкция қилинди, асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиммати эса 2,5 баравар кўпайди. Шу давр ичида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 35 процент ортди.

Саноатни ривожлантиришда қўлга киритилган муваффақиятлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам бор. Планлаштиришдаги нуқсонлар натижасида индустрия айрим тармоқларининг ривожланиши автоном республиканинг бутун халқ хўжалигини комплекс юксалтириш вазифаларига жавоб бермаётир. Бинокорлик материалларига бўлган талаб билан уларни ишлаб чиқариш ўртасида катта тафовут пайдо бўлди.

Бошқаришнинг мавжуд системаси ишлаб чиқаришни планлаштиришга ҳам салбий таъсир кўрсатди. 41 корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш планлари тўққиз ой мобайнида 85 марта ўзгарди. Корхоналарни зарур хом ашё, ёқилғи, материаллар билан ўз вақтида ҳамда тўла таъминламаслик жуда катта нуқсон эди.

Қорақалпоғистон АССР территориясида қўриқ ерларни ўзлаштириш соҳасида жуда катта ирригация-мелиорация ишлари олиб борилмоқда. Яқин беш йилликда янги йирик саноат корхоналари вужудга келади. Буларнинг ҳаммаси автоном республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада тез суръатлар билан ривожлантиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, бизда ҳал этилмаган масалалар ҳам кўп. Бу ҳол корхоналар ишининг самарасини пасайтиради. Автоном республика территориясида саноат ёқилғиси чиқарилмайди, бу ёқилғи ўз вақтида етказиб берилмайди. Бухоро — Урал газ қувуридан ўнг соҳилга газ юбориш учун Амударё орқали дюкер қурилиши иқтисодий жиҳатдан катта самара беради. Биз бу масалани бир неча бор кўтардик. Лекин бу масала шу пайтгача ҳал этилгани йўқ.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорини бажара бориб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва ҳозирги вақтда пахта тайёрлаш суръатларини жадаллаштириб юбордилар. Улар 1 ноябргача планни бажарди ва Улуғ Октябрининг 48 йиллигигача социалистик мажбуриятларини бажаришни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Шолидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича олинган мажбуриятларни бажариш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Республикамиз саноатини бошқаришни яхшилаш юзасидан сессияда муҳокама қилинаётган чора-тадбирларни батамом маъқуллаймиз. Андижон областининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга оширмоқ учун ҳамма ишларни қиладилар, деб Ўзбекистон ССР Олий Советини ишонтиришга рухсат бергайсиз. (Қарсаклар).

Депутат Н. Б. БОЗОРОВ нутқи

(Бухоро область ижроия комитетининг раиси)

Область саноати шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш давлат планини ошириб бажарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15.8 процент ортди. Маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан берилган топшириқлар ҳам ошириб бажарилди.

Етти йиллик даврида областда газчилар шаҳри Газли, химиклар ва энергетиклар шаҳри Навоий каби янги саноат марказлари қад кўтарди. Ҳозирги вақтда консерва заводи. Навоий ва Бухоро паррандачилик фабрикалари ва бошқа бир қанча объектлар қурилмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 26124 квадрат метр ҳажмидаги уй-жой фойдаланиш учун топширилди. Лекин шу билан бирга, саноатда барча резервлардан фойдаланилмаётир. 15 саноат корхонаси тўққиз ойлик планни бажармади.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Чорвадорлар ҳам баъзи ижобий натижаларга эришдилар.

Кейинги вақтларда Советларнинг фаолияти анча кучайди. Советларнинг қурилиш, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги доимий комиссияларининг иши яхшиланди.

Шу билан бирга областдаги маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари ишларида камчиликлар бор. Кўпгина Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари саноатнинг ишига суст эътибор бермоқдалар. Бу масалалар сессияларнинг муҳокамасига онда-сондагина қўйилмоқда.

Биз республика Маҳаллий саноат министрлигининг тузилишини маъқуллаймиз. Бу чора аҳоли учун буюмлар ишлаб чиқараётган корхоналар ва ташкилотларга раҳбарликни, шубҳасиз кучайтиради.

Бухоро ва Когон шаҳарларидаги янги қурилишларнинг комплекс тарзда олиб борилишини таъминламоқ учун республика Госплани, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари республика Министрлар Советининг бир қанча қарорини бажаришлари зарур ва уй-жой-коммунал қурилиш бўйича ягона заказчи функциясини область ижроия комитетига тўла равишда топширишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Масалан, бу шаҳарларда водопроводлар, канализация ва газ иншоотчилари қуриш бўйича заказчи функцияларининг Коммунал хўжалиги министрлиги ихтиёрида қолдирилиши ишга жиддий халақит бермоқда.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми ва СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг қарорларидан илҳомланган Бухоро областининг меҳнаткашлари ётти йиллигининг тугалловчи йили халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, партиянинг XXIII съездини муносиб кутиб оладилар. (Қарсаклар).

Депутат Г. ЖАББОРОВА нутқи

(Қарши тикувчилик фабрикасининг моторист тикувчиси)

Ишчиларни моддий манфаатдор қилишни кучайтириш соҳасида сентябрь Пленуми белгилаган тадбирлар бизни жуда қувонтирмоқда. Бу тадбир бизнинг фабрикамиз учун ҳам муҳимдир. Фабрикамизда кадрлар кўнимсизлиги катта. Уй-жойнинг етишмаётганлиги, болалар богчалари ва ясли-ларда ўринларининг камлиги бунга сабабдир. Фабрика раҳбарлари умумий ётоқхоналар ва болалар комбинатини тезликда қуриш ҳақида енгил саноат бошқармасига бир неча бор мурожаат қилдилар. Лекин бу масала шу вақтгача ҳал этилган эмас. Ҳозир бу проблемаларни тезроқ ҳал эта олажагимизга аминмиз.

Фабрика коллективи фидокорона меҳнат қилиб, кийим-кечак ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Аммо бу нарса ҳаминша ҳам бизга боғлиқ деб бўлмайди. Газлама етказиб берувчилар бизнинг ишимизга кўпинча монелик қилмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинати фабрикамиз учун керакли ип газламани ўз вақтида етказиб бермаётир. Бу эса бир меъёрда ишлашга халақит бермоқда. Олинаётган ип газламалар бир текис бўялмаётганлигини, уларнинг эни нормативларга сира тўғри келмаётганлигини, айрим тўплар тўқимачилик корхонасида йўл қўйилган брак эканлигини кўрсатадиган миссоллар боғ.

Биз фабрикамиз чиқараётган буюмларининг аҳолига манзур бўлиши учун ҳамма чораларни кўрамиз. Биз ип газламани Тошкент тўқимачилик комбинатидан ва бошқа корхоналардан оляпмиз. Бу корхоналар ўз маҳсулотларининг сифатини яхшилашлари керак.

Қарши тикувчилик фабрикасининг коллективи партиянинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилди. Мен барча ўртоқларим номидан ваъда бериб айтаманки, биз бу мусобақада муваффақиятларга эришиш учун куч-гайратимизни аямаймиз. (Қарсаклар).

Депутат А. И. МИРОШНИКОВ нутқи

(Ховос станцияси локомотив депосининг тепловоз машинисти)

Ховос станцияси темир йўл узелининг ишчилари ва мутахассислари бутун совет халқи билан биргаликда КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини ва СССР Олий Совети сессияси ҳужжатларини қизғин маъқуллаб қабул қилдилар.

Депутат темир йўл узелида эришилган меҳнат зафарлари тўғрисида, бу узел давлат планларини ошириб бажараётгани тўғрисида батафсил гапириб, фойдаланилмаётган резервлар устида жонкуярлик билан сўзлайди. Локомотив депоси, деди у, инженер-техник ходимлар билан ўз вақтида дурустроқ таъминланганида эди, депо ишидаги кўрсаткичларни анча яхшилаш мумкин бўлур эди. Бундай кадрларнинг етишмаётганлиги йил сайин кучлироқ сезилиб қолмоқда ва бунн Ўрта Осиё темир йўлининг раҳбарлари яхши билишади. Депода малакали ишчи кадрларнинг кўнимсизлиги ҳам кучайиб бормоқда. Бунинг сабаби шуки, меҳнатга ҳақ тўлашнинг мукофот-рағбатлантириш формаси етарли равишда мукаммал эмас.

Уй-жой фондидан фойдаланиш ва шаҳарни ободонлаштиришда кўпгина жиддий нуқсонлар бор. Уй-жой коммунал хўжалигини бошқариш бир ташкилотнинг кўлида бўлса, уни ремонт қилиш ва қуриш бошқа бир ташкилотнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Оқибатда уй-жой коммунал хўжалигини бошқарувчилар объектларни қочирқарди аҳволда сақлаб туриш ишларини бажариш билан шуғулланиб олмайдилар. Ҳозир мавжуд бўлган ремонт-қурилиш участкалари қайси шаҳар территориясида ишлаётган бўлса, уларни ана шу шаҳар коммунал хўжалиқ бўлимига бўйсундириш ёки шаҳар коммунал хўжалик бўлимлари ҳузурида ремонт-қурилиш участкаларини вазифаларини бажарувчи прорабллик пунктларини тузиш пайти келди.

Қўриқ ерликларнинг навқирон шаҳри Ясғирер бутун мамлакатнинг эътиборини тортмоқда. СССРнинг барча районларидан бизга ишчилар келишмоқда. Улар Мирзачўлнинг ўзлаштирилаётганлигига қойил бўлмоқдалар, лекин шаҳар яхши обод қилинмаганлиги уларнинг мароқли таассуротларини бирмунча хиралаштириб қўймоқда.

Ховос станцияси темир йўл узелининг коллективи партиянинг XXIII съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўриб, ўзининг бутун кучини КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини тезроқ амалга оширишга сарфлайди, деб сизларни ишонтиришга рухсат бергайсиз. (Қарсаклар).

Депутат К. РАҲМАТОВА нутқи

(Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикаси касаба союз комитетининг раиси)

«Ҳужум» пиллакашлик фабрикасининг коллективи бутун совет халқи сингари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми ва СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг қарорларини зўр мамнуният билан кутиб олди.

Биз ҳаммамиз ўртоқ А. Н. Косыгиннинг Пленумдаги докладини синчиклаб ўқиб чиқдик. Бу докладда саноат корхоналарини жойлаштириш ва қуришдаги камчиликлар мутлақо тўғри кўрсатиб берилган. Самарқандда камвол комбинати, рўзғор холодильниклари, телевизорлар, чинни заводлари ва бошқа корхоналар қуриш масаласи кўп йиллардан бери ўртага қўйиб келинмоқда. шу масала юзасидан бизга Москва, Ленинград, Тошкентдан комиссиялар келиб кетди. Улар Самарқандда ана шу корхоналарни қуриш учун барча шарт-шароитлар бор, деб ишонтирдилар. Бироқ шу вақтга қадар масала ҳал бўлгани йўқ. Кўпгина хотин-қизларни, ўрта мактабларни тугаллаётган ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш кўп жиҳатдан ана шу масаланинг ҳал қилинишига боғлиқ бўлиб турибди.

Бизнинг фабрикамиз йил сайин планни барча кўрсаткичлар бўйича бажариб келмоқда. Лекин корхона яқин машина-ускуналар билан яхшироқ таъминланганида, коллективимиз тағин ҳам кўпроқ муваффақиятларга эриша олган бўлур эди. Биз фабрикани реконструкция қилиш масаласини Халқ хўжалиги кенгаши билан Госплан олдига неча марталаб қўйдик.

Ҳозирги вақтга қадар корхоналарнинг раҳбарлари барча техника-иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлиб келган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг ҳуқуқлари жуда чекланган эди. Масалан, пиллакашлик саноатидаги шогирдларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни аллақачоноқ ўзгартириш керак эди.

Халқ вакиллари бўлган бизлар КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми, СССР Олий Совети олтинчи сессияси ва ушбу сессиянинг қарорларини амалга оширишга кўмаклашиш учун ҳамма ишларни қиламиз, деб айтсам, барча депутатларнинг муддаосини айтган бўламан, деб ўйлайман. (Қарсаклар).

МАШЪАЛ ХОРАЗМ МАРРАГА ЕТДИ

ДАВЛАТГА 290 МИНГ ТОННА ПАХТА СОТИЛДИ, ГЕКТАРИДАН 29 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ КЎТАРИЛДИ

САФИМИЗ КЕНГАЙДИ

Искандар ЮСУПОВ,

Янгиариқ районидаги Аваз ўтар номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Яхши нарсага, ҳайрли ишга одатланишга не етсин. Бригадамиз аъзолари планни биринчи бўлиб бажаришга ўрганиб қолишган. Бултур ҳам шундай бўлди, бу йил ҳам. (Искандар камтарликни йўқотибди, деманглар тағин. Планни бажарганлар тинча мақтанса айб эмас).

Тўғриси, ўтган йилги якундан кўнглимиз тўлмади. 60 центнер, деб ваъда берган эдик, 55 дан хирмон кўтарилди. Бу йил область кенгаши минбарида мен яна 60 центнерни тилга олган эдим, «Биз ҳам бормиз майдонда» деб, ўттиз уч азамат ўртага чиқди. Қараб турсам, ўттиз тўрттадан олтмиш центнерчи бўлибмиз.

Йиғим-терим арафасида катта йиғин бўлди. Тўпланган мўл ҳосилни чамалаб, талай бригадирлар: «Бизни ҳам сафингизга кўшинг, олтмишдан берамиз», деб туриб олишса бўладими. Шундай қилиб, областимизда олтмиш центнерчилар сони роппа-роса олтмиштага етди.

Мана, дастлабки довонни ошиб ўтдик. 60 центнерчи бригадаларнинг ҳаммаси биринчилар қаторида рапорт берди. Бригадамиз 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 52 центнердан «оқ олтин» йиғиб олди. Яна 13 центнердан ҳосил топширамиз (бу билан бултурги қарз ҳам узилади). Машинада ўзим тердим 50 тоннани, Ўктам терди 70 ни. Бу—жами топширилган ҳосилнинг учдан биридир. Гулчеҳра Рўзиматова, Саодат Маҳмудова, Сора Султонова каби чевар қизларимиз мавсум бошидан буён хирмонга 12-13 тоннадан пахта тўкишди. Қойил қилишди шоввозлар, саломат бўлишсин.

Издошларим ҳақида икки оғиз сўз. Районимиздаги Киров номли колхозда Қурбонбой Абдуллаев, Ҳазораспдаги Карл Маркс номли колхозда Қурбонбой Матназаров, Шовотдаги Киров номли колхозда Йўлдош Ёқубов, Урганчдаги «Победа» колхозида Маткарим Ражабов каби уста пахтакорлар бошчилик қилаётган олтмиш центнерчи бригадалар ҳозирдаёқ 50 центнерлик маррага етиб келишди. Далада пахта кўп. Албатта 60 ҳам бўлади.

Кўнглимда бир истагим бор эди, пайти келди, айтақолай: биз бошлаган олтмиш центнерчилик ҳаракати бутун республикамизга ёйилсин, сафимиз тобора кенгайсин.

ВАЪДАГА ВАФО

Гуларо РАЖАБОВА,
Гурлан районидаги «Маданият» колхозининг теримчиси.

Кўпининг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб, мавсумда 10 тонна «оқ олтин» теришга сўз бергандим. Ҳозирга қадар хирмонга 8 тоннадан зиёд биринчи сорт пахта тўкдим. Улуғ Октябрь байрамигача яна 2 тонна пахта териб, ваъдамга вафо қиламан. Колхозимизда 300 дан ортиқ теримчи мавсум нормасини алла қачон бажариб, ҳозир ўз устларига олган мажбуриятни адо этиш учун курашмоқдалар.

ПОЙГАДА ЎЗДИК

Қўзи НУРМАТОВ,
Шовот районидаги «Москва» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Ҳа, «пўлат от» мингаллар пойгада ўздилар. Биз ҳужумга ўтгач, суръат кун сайин кўтарилиб, марра яқинлашди. Колхозимиз механизаторлари 1300 тоннага яқин пахта териб, машина терими планини анча оширишга ado этишди. Менинг ҳиссам салкам 100 тонна бўлди. Мусобақадошим Шукуржон Юсупова ҳам 80 тоннадан оширди. Ҳалима Хўжаниёзова пахта даласида жовлон уриб, Хоразмнинг шон-шуҳратини оширишга интилаётган азмкорлардан бири. У мавсумда 15 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган эди. Узи ишлаётган Ҳазорасп районидаги Димитров номли колхоз хирмонига ҳар куни 270-280 килограммдан пахта териб тўкди. Ҳозиргача эса унинг терган пахтаси 9 тоннадан ошиб кетди. Суратда: ўртоқ Ҳ. Хўжаниёзова.

Ш. Раҳимов фотоси.

ХОРАЗМНИНГ ҲИММАТИ

Б. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон КП Хоразм область комитетининг биринчи секретари

□ □

Юраклар орзиқиб кутган қувончли дамлар келди. Бугун Ленин орденли машъал Хоразмда зўр шодиёна, меҳнат аҳлининг чеҳраларида севинч нурлари порлайди. Қутлуғ айём—КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган хоразмликлар севикли Ватанга ғалаба рапортини бермоқдалар:

— Пахта тайёрлаш планн бажарилди!

Меҳнатсевар, лафзи ҳалол хоразмликлар пахта тайёрлаш давлат планларини ҳар йили ортиғи билан бажариб келмоқдалар. Аммо, бу йил тарихда мисли кўрилмаган ғалабани қўлга киритдилар. Октябрнинг энди 20 куни ўтди, холос. Шу қисқа давр ичида ҳар гектар майдондан 29 центнердан пахта йиғиб олинди. Давлат омборларига 290 минг тонна қимматли хом ашё топширилиб, ҳосилнинг ҳаммаси нуқул биринчи сортларга қабул қилинди. Шу кунгача область мамлакатга етти йиллик планидан ташқари 213 минг тонна пахта етказиб берди.

Пахтакорлар ғалаба рапорти берган қувончли кунин область қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ходимлари ҳам ажойиб меҳнат зафарлари билан нишонладилар. Давлатга пилла, қоракўл тери, жун, сабзавот, мева сотиш йиллик планлари муддатидан олдин бажарилди, гўшт, полиз маҳсулотлари ва узум сотиш планлари бажарилиш арафасида, сут тайёрлаш топшириғи ҳам муддатидан олдин уддаланади.

Бу ажойиб ғалабанинг манбаи нимада? Баъзилар йил яхши келди, дейдилар. Ҳа, об-ҳаво ёмон бўлмади, лекин баракали хирмон кўтаришда бошқа муҳим омиллар ҳал этувчи роль ўйнади. КПСС Марказий Комитетининг октябрь, ноябрь ва март Пленумлари қабул қилган тарихий қарорлар, хўжаликка илмий асосда раҳбарлик қилиш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун кўрилган тадбирлар муваффақиятларимиз гарови, ҳаракатимиз компаси бўлди. Маълумки, КПСС Марказий Комитети март Пленуми деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари харид нархларини қайта кўриб чиқиш, кўпайтириш масаласини тегишли органларга топширди. Ленинча ғамхўрлик ифодаси бўлган ана шу тадбир туфайли областимиз колхозлари фақат гўшт, шоли сотишнинг ўзидангина уч миллион сўм қўшимча даромад оладилар. Мамлакатнинг барча колхозлари каби областимиз хўжаликлари ҳам Пленумдан кейин қатор енгилликлар олдилар. Даромад солигининг камайтирилганлиги, мелиорация ишларига бўлган харажатлар тўла давлат ҳисобига ўтказилганлиги шулар жумласидандир.

Партия, ҳукуматнинг қарори қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари томонидан қизғин маъқуллаб кутиб олинди. Халқ манфаатини кўзловчи ҳаётий муҳим тадбирлар омма ўртасида битмас-туганмас куч-гайрат, янги ташаббус уйғотди. Илгариги йилларда бўлгани каби бу йил ҳам колхозларимиз шўр ювишда сув танқислигини бошдан кечирдилар, шунингдек анчагина экин майдони дўл ва селдан зарар кўрди. Аммо бу қийинчиликларнинг ҳаммаси мардонавор меҳнат билан бартараф қилинди. Ҳамма ерда юқори ҳосил етиштирилди. Илғор районлар, колхозлар, бригадалар эгаллаган марралар бу йил воҳамизда нақадар мўл ҳосил етиштирилганлигини, Хоразм янги дозонларни ошиб ўтиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. 30 центнерлик маррани белгилаган Янгиариқ райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини бажариб. ҳосилдорликни ҳозиргача 31 центнерга етказдилар. Шу райондаги Киров номли колхоз гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» йиғиб олди. Ажойиб пахта усталаримиз — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Юсупов, Норбой Раҳимов, Раҳим Қўшжонов, Ҳабибулла Саъдуллаев, Зариф Раматов, Сотим Исмоилов, Одамбой Эркаев, Дўстжон Бобожонов ва бошқалар ўз бригадаларида ҳар гектар майдондан 38-52 центнер ўрта сида ҳосил олишга эришдилар. Пахта териш ва тайёрлаш зардоб суръат билан қизғин давом этмоқда. Кунлик ўсишни 3.8 процентгача етказиб, ҳар қачонгидан юқори кўрсаткичлар билан область дастлабки довонни ошиб ўтди.

Ғалабани таъминлашда бизга нималар омил бўлди? Бошланғич партия ташкилотларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳасида кўп ишлар қилинди, колхозларда тузилган цех бошланғич партия ташкилотлари, партия комитетлари зўр ташкилотчилик намуналарини кўрсатмоқдалар. Партия ташкилотларининг жанговарлик ролини ошириш юзасидан қатор тадбирлар изчил амалга оширилди, хўжаликка партия раҳбарлиги яхшиланди. Агрономлар, инженерлар ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассисларининг роли оширилганлиги кўпгина янги агротехника усулларини амалда жорий этиш имконини берди. Агротехникани такомиллаштириб, биз фан муваффақиятларини воҳа деҳқонларининг кўп йиллик тажрибалари билан боғлаб олиб боришга эришдик.

Область пахтакорлари оғир ишларни механизациялашда олдинга томон дадил қадам қўйдилар. Бизда ўнлаб механизациялашган бригадалар тузилганлиги ва улар энг яхши натижаларга эришганлиги пахтачиликда механизациялашни юксак даражага кўтариш йўлига дадил ўтиш вақти етганлигини кўрсатади. Бу ўринда Зариф Раматов бригадасини мисол қилиб келтириш мумкин. Шовот районидаги Чкалов номли колхознинг бу бригадаси қўл меҳнатини жуда кам сарфлаб, 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 45 центнердан ҳосил йиғиб олди, «Коммуна» колхозининг механизаторлари умумий ҳосилнинг 60 процентини, Беруний номли, Охунбобоев номли, «Москва» колхозлари ва бошқа хўжаликлар эса қарийб 40 процентини машина билан териб олдилар. Область механизаторлари ҳозиргача машиналар бункеридан бутун ўтган йили тўкилганига баравар пахта тўкдилар. Шовотликларнинг бу соҳадаги иши айниқса ибратлидир. Улар кунлик ўсишни 10 процентгача етказиб, областда биринчи бўлиб машинада пахта териш планини бажардилар. Машина плани сўзсиз тўла ва ошириб бажарилади. Эътироф қилиш керакки. дастлабки даврда машиналардан фойдаланишда баъзи хатоларга йўл қўйилди: қатор хўжаликларда машиналарни далага чиқаришда шошма-шошарлик қилинди, техниканинг ишлаши учун майдон тайёрлаб берилмади. Бу хатолар тезда тузатилди.

Юқори ҳосил етиштиришда, йиғим-теримни қисқа муддатларда ўтказишда социалистик мусобақа қудратли фактор бўлди. Илғор хўжаликлар ва бригадаларнинг тажрибалари кенг оммалаштирилди. Мўл ҳосил етиштиришда қимматли тажриба тўпланган, 45 центнерчилар ҳаракатининг ташаббускори Киров номли колхозда бир неча марта кўрик-семинарлар ўтказилди. Искандар Юсупов бригадаси ва бошқа пахта усталарининг тажрибасидан деҳқонлар кўп нарса ўрганиб олдилар. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд-мукофот системасига ўтган Зариф Раматов бригадаси ташаббуси областнинг бошқа колхозларига ҳам ёйилди. 60 центнерчилар ҳаракатининг байроқдори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Юсуповнинг ҳам кўпгина издошлари етишиб чиқди.

Хоразмликлар социалистик мажбуриятни бажариб, ҳосилдорликни 32 центнерга етказиш учун меҳнат вахтасини қизғин давом эттирмоқдалар. Етиштирилган ҳосил бу мажбуриятнинг анча ошириб бажарилишини таъминлайди. Янгиариқ райони меҳнаткашлари баҳорда ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга аҳд қилган эдилар. Эндиликда улар планни бажариб, ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар ва 40 центнерлик маррани белгиладилар. Хивaликлар ҳам планни барвақт бажариб, оширилган мажбурият олдилар. Хоразм области меҳнаткашлари бу йил ҳеч қачон мисли кўрилмаган даражада кўп пахта берадилар. Шу муносабат билан бир эътирозни айтмасдан бўлмайди. Тайёрлаш ходимлари ҳозирнинг ўзидаёқ пахтани ғарамлаш учун бино, майдончалар етишмаётганлиги натижасида қийинчиликка учрадилар. Мажбуриятдан ошириб пахта топшириш пайтида аҳвол қандай бўлади? Республика ташкилотлари Хоразмдаги пахта тозалаш заводларининг қувватини ошириш масаласини тезроқ ҳал этишлари лозим: чунки уларнинг қуввати пахта етиштиришнинг ўсишидан кейинда қолмоқда. Пахта ҳосилининг бир қисми қайта ишлаш учун республикадаги бошқа заводларга жўнатилмоқда, бу эса қимматга тушади. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан кейин, эндиликда бундай хўжасизликка узил-кесил барҳам бериш лозим.

Областда пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш қизғин давом этмоқда. Давлат автобазаларининг механизаторлари «зангори кема»ларни бошқариб, колхозчилар билан елкама-елка меҳнат қилмоқдалар. студентлар, шаҳарликлар пахтакорларга яқиндан ёрдам кўрсатаётирлар.

Область партия ташкилоти пахтакорларнинг содиқ ёрдамчиларига чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қилади. Пахтакорлар уларга зўр мамнуният билан дейдики:

— Катта ёрдамингиз, олижаноб ҳиматингиз учун раҳмат, азиз дўстлар!

Хоразмликлар КПСС XXIII съезди шарафига ўз зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар. Ленин орденли Хоразмнинг шон-шуҳратини янада оширадилар, серқуёш республикамизнинг 3 миллион 650 минг тонналик улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшадилар.

МЕҲНАТ ВА ҒАЛАБА

Карим РАҲИМОВ,
Шовот районидаги Қиров номли колхоз раиси.

□ □

Қувончли, унутилмас воқеаларнинг гувоҳи бўляпмиз. Хоразм машъал бўлди. Унинг кўксида Ленин ордени порлаб турибди. Карвонбоши Тошкент областидан кейин Хоразм ғалаба рапорти берган бу ажойиб дамларда тилларда машъал воҳамиз мадҳи. Бизни эл-юрт олқишлаяпти. Хўш, бунча иззат-ҳурмат, шон-шарафга қандай қилиб сазовор бўлдик? Жавоб битта: меҳнат, фидокорона меҳнатимиз билан. Меҳнатни онага ўхшатсак, ғалаба ва бахт — унинг эгизак фарзандидир.

Колхозимиз — Шовот районининг машъал хўжаликларидан бири. 985 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан «оқ олтин» топшириб, илғорлар сафида маррага етдик. Йўлдош Ёқубов, Машариф Ҳакимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 40—45 центнердан ошиб кетди. Биз 45 центнерлик маррани кўзлаяпмиз.

Эришилган ғалаба — колхозимиз пахтакорлари, айниқса моҳир механик-ҳайдовчилар ва қадоқ қўл теримчилар мардонавор меҳнатининг самарасидир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ободон Дўсова, Шариф Норматов каби механик-ҳайдовчилар, Рўзиқа Матёқубова, Ободон Собирова, Сафаргул Норвўзова, Онажон Очилова каби кўпминг килограммчилар хирмонга баракали ҳисса қўшдилар.

Пахтакорларнинг бу йилги жасорати тарихга заррин ҳарфлар билан ёзилса арзийди. Дастлабки ғалабани қаҳрамонона меҳнатимиз билан мустаҳкамлаймиз.

ҲИССА

Тожибобо ҲОЖИЕВ,
Янгиариқ районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Бизни «пахта териб берасан» деб қистаган одам бўлмади. Дарвоқе, бундай вақтларда буйруқ кутишнинг ҳожати ҳам йўқ-да. Ҳамма ерда пахта чамандек очилиб, далалар оқ либоса бурканган. Очиғини айтсам, умрим бино бўлиб бундай ҳосилни кўрмагандим. Бутун эл оёққа турган бир пайтда «кексаман» деб қўл қовуштириб ўтиролмас экан, киши. Қариялар тўпланиб маслаҳатлашдик. Белга этак тутиб далага чиқдик.

Колхознинг плани тўлган куни ҳисоблаб кўрсам уч тоннаю икки юз ўттиз кило пахта теribман. Бошқа кексаларнинг терган ҳам бундан ё кам ёки зиёд. Лекин, Бекамомо деган кампирнинг авжи баланд экан. Қизлардан қолишмади, ҳаммамиздан оширди. Етти ярим тоннага етказди-я!

Колхоз партия комитети ва правлениеси қариялар меҳнатини ҳунасиб қадрлашди. Менн, Бекамомони ва яна тўққиз кексани «Шавкатли меҳнат китоби»га ёздилар. Кампирлардан бир нечаси бригада тўйига шоён кўйлак кийиб келишди. Билсак, мукофотга олган эканлар.

Колхозимиз ҳам, район ва областимиз ҳам планни тўлдирди. Шартлашдик: республика ғалаба рапортини бермагунча белдан этакни ечиш йўқ.

ЛОЧИН ПАРВОЗИ

20 сентябрь. Сводкага қарасам, илғор хўжаликлар отни роса қамчилашяпти. Янгиариқда 30 процентдан ошган колхозлар бор. Узимизнинг Ҳазораспда ҳам 20-25 процентга етган хўжаликлар кўп. Биз эса ҳали бир процент ҳам пахта топширмадик. Фурсат қистаб келди. Қолоқликдан гап очилса, қачонгача «ғўза барги тушиб бўлсин, машинада терамиз» деб юлинни қиламиз? Ҳарқалай, бугундан бошлаб машиналарнинг кўпчилиги теримга тушганлиги кўнглимга тасалли бўлди. Энди иш жадаллашиб кетади. Албатта, олдинга ўтиб оламиз.

10 октябрь. Бугун колхозимизда байрам. План тўлди. Тўлганда ҳам областда биринчи бўлиб. Илгари планни бажариш учун уч ой пахта топширардик. Бу йил 90 кунлик йўлни 20 кунда босиб, маррага етдик. Ўйлаб турсам машиналар қанотида лочиндек парвоз қилибмиз. Техниканинг мўъжизасига офарин. Рапорт ҳам тайёр. Ҳозир қўл қўямиз...

Бу жумларни раис Иброҳимжон аканинг кундалик дафтарида ўқидик. Дарҳақиқат, бу йилги терим суръатини лочинининг парвозига қиёс қилса бўлади. Кунига 3 процентдан пахта топшириш, 20 кунда планни бажариш ҳазилакам иш эмас. Бу—ажойиб жасорат, зўр рекорддир!

Бир воқеа эсимда. 21 сентябрь куни Ҳазорасп районига область кўчма Қизил байроғи топширилди. Шу йиғилишда комплекс механизациялашган «Коммуна» колхозининг раиси Иброҳимжон ака Жабборовга ҳам сўз берилди.

— Биз қарздормиз, Қизил байроқни олишга ҳисса қўшолмадик. Колхозимиз районда энг охирги, область бўйича эса 80-ўринда. Лекин олдинга ўтамиз. Планни ҳам областда биринчи бўлиб бажарамиз.

Раис колхоз аъзоларининг ғайрат-шижоатига, техниканинг қудратига қатъий ишониб бу гапни айтди. Аммо бошқалардан 20-30 процент кейинда қолган колхоз раҳбарининг оғзидан бундай сўзлар чиқиши баъзиларга ғалати туюлган бўлиши мумкин.

Биринчилик учун зардоб юриш бошланди. «Коммуна» колхози ўн кунда 47 колхоздан ўзиб, 33-ўринга чиқди. Ниҳоят, бир неча кун ичида областда энг олдинги ўринга ўтиб олди ва ғалаба рапортини биринчи бўлиб берди. Ҳосилдорлик ҳам чакки эмас: гектаридан 30 центнердан пахта топширилди.

Дала гвардиячиларининг қаҳрамонона меҳнати ҳаммани қойил қолдирди. Республикада хизмат кўрсатган механизатор Ҳалима Ҳошимова ва унинг шогирди Зулфия Султонова, «пўлат от» суворийларидан Раҳим Отажонов ва Сотим Раҳимов каби моҳир механик-ҳайдовчиларнинг хирмонга қўшган ҳиссалари 80-100 тоннага етди. Колхоз топширган ҳосилнинг 60 процентн «зангори кема»лар билан терилди. Ражаб Аваэов ва Кенжа Тўраев ўртоқлар бошлиқ бригадалар йиллик планни нуқул машина терими ҳисобига бажардилар. Шуниси қувончлики, машинада терилган пахта биринчи сортга қабул қилинди.

Теримни механизациялашнинг афзаллиги пахтакорларнинг моддий манфаатдорлигида ҳам ўз ифодасини топди. Қурбонбой Жуманиёзов бошлиқ комплекс механизациялашган звенони мисолга олайлик. 11 ишловчи 30 гектар майдонда пахта етиштирган бу звенода меҳнат ҳақи фонди 15.374 сўм қилиб белгиланган эди. Звенода ҳосилдорлик пландагига нисбатан 10 центнер ошди. Барча ҳосил машина билан йиғиб олинди ва биринчи сортга сотилди. Натижада 10 минг сўм қўшимча даромад олинди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳар колхозчининг ойлик иш ҳақи ўрта ҳисобда 120 сўмдан тушади. Демак, механизация мўл, арзон ва юқори сифатли пахта етиштириш, даромадни кўпайтириш имконини берадиган муҳим омилдир.

«Зангори кема»лар қайримас қанотингиз бўлсин, янада юксак парвоз қилинг, лочинлар!

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

ҒОЛИБЛАРГА ОФАРИН

Эгам РАҲИМ.

Урганчдан гапирамиз — ғолибларнинг элидан,
Тингла Фарғона, тингла Сурхондарё, Андижон.
Меҳнатнаш-у, санъатнор, шўх йигитлар дилидан,
Юрак қўри йўғрилган салом бўлсин армуғон.

Бизнинг диёримизда ҳар кимсанинг қиммати,
Садоқати, виждони, тилаги пахта билан.
Даври-давронимизга ҳиссаси-ю, ҳиммати,
Лафзи, шарафи-шони, юраги пахта билан.

Шу муборак касбни дилларига жо қилган,
Пахтани тог-тоғ этган одамларга офарин!
Ҳар лаҳзани бир умр, бир олам, дунё қилган,
Тарихга тож бўлгуси бу дамларга офарин!

Далаларга ёстанган оппоқ булутми, қорми,
Ё денгизнинг мавжими? — йўқ, йўқ, йўқ, пахтазор бу!
Парвоз этаётганлар лочинми ё шунқорми!
«Пўлат от» суворийси — жангдаги байроқдор бу.

Отангизга минг раҳмат, янгиариқлик шерлар,
Ҳар биттангиз тасвири бир достонга тегади.
Сизни машъал воҳанинг навқиронлари дерлар,
Ҳурматингизга дўстлар ҳамиша қад эгади.

Ҳазорасп, Шовотнинг азамат шоввозлари,
Техникани дўст тутган оловнор одамларсиз.
Жарангдор бўлармиди ХВС овозлари,
Ташаббусга йўл очган мардона қадамларсиз.

Хива полвонларининг ғарамлари ёнида,
Кўкўпар миноралар ҳеч гап бўлмай қолади.
Ҳар ним ўзин кўрсатса курашлар майдонида,
Муборак номи мангу ҳайкал бўлиб қолади.

Маррага етди бугун Хоразм пахтакори,
Юранда тошиб илҳом муборакбод этамиз.
Ғалабалар ёр бўлсин дилимиз ҳам баҳордир,
Меҳнат соҳибларига шеър, достонлар битамиз.

Машъал Хоразм областининг улкан хирмонини тезроқ қад кўтартириш учун олиб борилган курашга моҳир механик-ҳайдовчилар, чевар теримчилар фидокорона меҳнатлари билан жуда катта ҳисса қўшдилар. Хива районидаги Беруний номли колхозининг механизатори коммунист Норжон Машарипова шулардан биридир. У мавсумда 140 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олиб, ҳар куни ўз машинаси бункеридан тонна-тонналаб пахта тўкди. Суратда: ўртоқ Н. Машарипова.

Н. Ключиев фотоси.

АВТОМОБИЛДАН «ЗАНГОРИ КЕМА»ГА

М. САФОЕВ,
Урганчдаги 19-автобаза шофери.

Гурлан районидаги Карл Маркс номли, Куйбишев номли ва Навоий номли колхозларда автомобилчилар машина бункерларидан 100 тонналаб «оқ олтин» тўкдилар. Мен бир неча кун ичида 40 тоннага яқин пахта тердим. Инженер А. Гречко, техник Р. Машарипов, шофер З. Давлатов ва бошқа ўртоқлар машина теримида алоҳида ибрат кўрсатишда.

Областимиз рапорт берган қувончли дамларда пахтакорлар меҳнати туфайли қад кўтарган тоғ-тоғ хирмонларда бизнинг ҳам камтарин улушимиз борлигидан хурсандмиз.

ҚЎРИҚ ЕР САХОВАТИ

Зариф РАМАТОВ,
Шовот районидаги Чкалов номли колхознинг бригада бошлиғи.

Компленс механизациялашган бригадамиз аъзолари қўриқ ерларни ўзлаштириб, 80 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди.

Биз пахта сотиш йиллик планнини энг қисқа муддатда — 10 кун ичида бажардик. Ҳозиргача давлатга гектаридан 47 центнердан пахта сотилди. Далаларимизда ҳали пахта кўп. Барча ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб олиб, ҳосилдорликни гектар бошига 55 центнерга етказамиз.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64543.
Р. 01267. Р. 10195.